

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“АВТОМОБИЛСОЗЛИК ВА ТРАКТОРСОЗЛИК”**

йўналиши

**“АВТОМОБИЛ ВА ТРАКТОРЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИ ВА  
ЭЛЕКТРОН ТИЗИМЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон  
тизимлари”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчилар:**

**т.ф.н., проф. Тўлаев Б.Р.,**

**к.ўқ. Мирзаабдуллаев Ж.Б.**

**ТОШКЕНТ – 2019**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023- сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчиilar:** ТДТУ, “Энергомашинасозлик ва касб таълими” кафедраси профессори, т.ф.н, Б.Р. Тўлаев, к.ўқ. Ж.Б.Мирзаабдуллаев

**Тақризчиilar:** проф. Б.И. Базаров ТАЙЛҚЭИ, “Автомобилларнинг техник эксплуатацияси” кафедраси профессори доц. Ш.Т. Равутов ТошДТУ, “Ерусти транспорт тизимлари” кафедраси мудири

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>13</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b><u>73</u></b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b><u>87</u></b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b><u>90</u></b>
<b>VII. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b><u>92</u></b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимэдия тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ишчи ўқув дастури автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари умумий схемалари; электр билан таъминлаш ва ўт олдириш тизимлари; двигателни электрон бошқариш тизимлари; автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимлари; электр жиҳозлари ва электрон бошқаришнинг ривожланиш истиқболлари масалаларининг назарий ва амалий асосларини ўрганишни ўзида қамраб олган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон тизимлари” модулининг мақсади ва вазифаси** – тингловчиларни транспорт тизимлари соҳасидаги глобал муаммолар: автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари, электр билан таъминлаш ва ўт олдириш тизимлари, двигателни электрон бошқариш тизимлари, автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимларининг замонавий муаммолари, уларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича муаммолар ҳамда электр жиҳозлари ва

электрон бошқаришнинг ривожланиш истиқболлари билан таништириш ҳамда бу муаммоларни ечиш бўйича дунёдаги энг замонавий технологиялар бўйича уларда билим ва амалий малакаларни шакллантириш, яъни уларнинг бу соҳадаги компетентлигини шакллантиришдан иборатdir.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон тизимлари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон тизимлари ривожининг тарихи ва истиқболи;
- электр жиҳозлари ва электрон тизимлари янги замонавий турларининг тузилиши ва ишлаши **билимларга эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- электр жиҳозлари ва электрон тизимлари турлари ва классификасиясини;
- электр жиҳозлари ва электрон тизимлар, уларнинг агрэгатлари, занжирлари ва тизимлари тузилиши ва ишлаш принципини;
- электр жиҳозлари ва электрон тизимларнинг агрэгатлари ва тизимлари деталларининг тузилишини, ишлатиладиган материалларини ва созланишини;
- электр жиҳозлари ва электрон тизимлари кўрсаткичларини яхшилаш усусларини **кўникма ва малакаларини эгаллаши зарур.**

#### **Тингловчи:**

- электр жиҳозлари ва электрон тизимларига техникавий хизмат кўрсатиш;
- аккумуляторлар батареясининг техник ҳолатини аниқлаш;
- ўзгармас ва ўзгарувчан ток генераторлари техник ҳолатини аниқлаш;
- электростартерларнинг техник ҳолатини аниқлаш;
- электр жиҳозлари ва электрон тизимларини созлаш;
- электр билан таъминлаш тизимини диагностика қилиш **компетенцияларига эга бўлиши зарур.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон тизимлари”** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, “Блиц ўйини”, “Венн диаграммаси”, “Ақлий хужум”, “Кейс-стади” ва бошқа интерактив таълим усусларини қўллаш назарда

тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон тизимлари” модули ўқув режадаги қуидаги фанлар билан боғлиқ: “Автомобил ва тракторсозлик технологиялари”, “Автомобил ва тракторларни автоматик лойиҳалаш тизимлари”.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

“Автомобил ва трактор электр жиҳозлари ва электрон бошқаруви” модули автомобил ва трактор электр жиҳозлари ва электрон тизимлари тузилиши, ишлаши ва уларни эксплуатация ва диагностика қилиш ҳамда уларни созлаш компетенциясини эшитувчиларда шакллантиради, АВТОМОБИЛ ВА ТРАКТОР электр жиҳозлари ва электрон бошқарувидаги энг замонавий ўзгаришлар, уларнинг самарадорлигини ва ишончлилигини ошириш, бошқаришни энгиллаштириш – автоматлаштириш ҳақида билимларни шакллантиради.

### **“Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон тизимлари” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот
1.	Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари умумий схемалари. Электр билан таъминлаш ва ўт олдириш тизимлари	4	4	2	2	
2.	Двигателни электрон бошқариш тизимлари. Автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимлари	8	8	2	2	4
3.	Электр жиҳозлари ва электрон бошқаришнинг ривожланиш истиқболлари	2	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари умумий схемалари. Электр билан таъминлаш ва ўт олдириш тизимлари**

Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари умумий схемалари. Электр билан таъминлаш тизими. Аккумулятор батареялари ва генераторлар. Ўт олдириш тизими. Ўт олдириш тизимининг ривожланиш истиқболлари.

**2-мавзу: Двигателни электрон бошқариш тизимлари. Автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимлари.**

Двигателни электрон бошқариш тизимлари. Шассини электрон бошқариш тизимлари. Автомобилни электрон бошқариш тизимлари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Автомобил ва тракторларнинг умумий электр схемаларини ўрганиш.**

Автомобил ва тракторларининг умумий электрон схемасини баён қилиш. Автомобил ва тракторларининг умумий электрон схемасини тасвирлаш.

**2-амалий машғулот: Двигателни электрон бошқариш тизимлари.**

**Автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимлари**

Двигателни электрон бошқариш тизимлари. Шассини электрон бошқариш тизимлари. Автомобилни электрон бошқариш тизимлари.

**3-амалий машғулот: Электр жиҳозлари ва электрон бошқаришнинг ривожланиш истиқболлари**

Электр автомобил пайдо бўлишининг тарихи. Электр транспорт воситаларига қизиқишнинг қайта тикланиши. Электр автомобили батареяси. Автоишлаб чиқарувчилар режалари. Электр транспорт воситаси дизайнни. Микрогибрид

## **КЎЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Двигателни электрон бошқариш тизимлари. Автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимлари.**

Модулнинг кўчма машғулотларини Тошкент давлат техника университетининг замонавий техникалар билан жиҳозланган лаборатория хоналарида, «GM PowerTrain – Узбекистан» кўшма корхонаси ҳамда «Тошкент шахридаги касб-хунарга ўқитиши маркази»да ўтказилиши кўзда тутилган.

Кўчма машғулотлар жараёнида тингловчилар электр жиҳозлари ва электрон тизимларнинг автомобил ва тракторларда қўлланилиш ҳолати, Республикаизда электр ва электрон жиҳозларни ишлаб чиқариш босқичлари ва уларни ишлаб чиқаришнинг истиқболларини ўрганиш, электр ва электрон жиҳозларни диагностика қилиш малакаларга эга бўладилар.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганданда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қуйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурухли (кичик гурухларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гурухларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гурухларда ишлаш** – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурухларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиши методига кўра гурҳни кичик гурухларга, жуфтликларга ва гурухларора шаклга бўлиш мумкин. Бир турдаги гурухли иш ўқув гурухлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади..

**Якка тартибдаги шаклда** – ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Венн диаграмма” методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айланга тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Транспорт воситаларида қўлланиладиган ток манбалари**



### **“Кейс-стади” методи**

**«Кейс-стади»** – инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишитириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва грухда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва грухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва грухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</li> </ul>

**Кейс.** Бензинли ички ёнув двигателларида цилиндрдаги ёнувчи аралашма учқун ёрдамида ўт олдирилдади. Ўт олдириш тизимининг носозликлари двигател ишига бевосита таъсир этади. Бу муаммони ечиш бўйича ўз фикрларинингизни беринг.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кігичк грухда).
- Заарарли моддалар ва заррачалар ажralиб чиқишини камайтириш тадбирлари вариантларини муҳокама қилинг (жуфтликлардаги иш).

## “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурӯҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб кўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурӯҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурӯҳ хатоси» бўлимидағи ёзиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурӯҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Гурӯҳ баҳоси	Гурӯҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Ток истеъмолчиларини ток сарф қилиш юқорилиги бўйича жойлаштирининг.
		2			Ёритиш фаралари
		5			Ўт олдириш тизими
		3			Товуш сигнали
		6			Автомагнитола
		1			Кондиционер
		4			Ойна тозалагич

## НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ

8 та тўғри жавоб учун	“Аъло”
6-7 та тўғри жавоб учун	“Яхши”
4-5 та тўғри жавоб учун	“Қониқарли”

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари умумий схемалари. Электр билан таъминлаш ва ўт олдириш тизимлари**

#### **Режа:**

- 1.1. Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари умумий схемалари.
- 1.2. Электр билан таъминлаш тизими. Аккумулятор батареялари ва генераторлар.
- 1.3. Ўт олдириш тизими.
- 1.4. Ўт олдириш тизимининг ривожланиш истиқболлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** электр жиҳозлар, схемалар, электр билан таъминлаш тизими, аккумулятор батареялари, генераторлар, ўт олдириш тизими.

#### **1.1. Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари умумий схемалари**

Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари ишчи жараёнларни автоматлаштириш, ҳаракат ва экологик хавфсизликни ошириш, ҳайдовчи ва йўловчиларга қулайликлар яратиш каби вазифаларни бажарувчи мураккаб тизим бўлиб, автомобилларнинг самарали ишлатиш даражаси кўп жиҳатдан айнан электр жиҳозларнинг ишончлилига боғлиқдир.

Автомобилларда электр энергия дастлаб, бензинли ички ёнув двигателларида ишчи аралашмасини ўт олдириш учун ишлатилган. Ишчи аралашмасининг юқори кучланиши электр учқуни ёрдамида ёндирилиши, ўт олдириш дақиқасини нисбатан аниқ белгилаш, ички ёнув двигателларининг (ИЁД) қуввати ва тежамкорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Электр энергия истеъмолчилар сонининг кўпайиши, уларнинг қувватини ортиши автомобилларда электр таъминот, ишга тушириш, ўт олдириш, ёритиш тизимларини шаклланишига олиб келди. Автомобилларда турли хил назорат-ўлчов асбоблари кенг кўламда ишлатила бошланди.

#### **Автомобилларнинг электр жиҳозларини қуидаги асосий функционал тизимларга бўлиши мумкин:**

1. Электр таъминот тизими (генератор, кучланиш ростлагичи, аккумуляторлар батареяси).
2. Ички ёнув двигателини ишга тушириш тизими (стартор, аккумуляторлар батареяси, ишга туширишни энгиллатувчи мосламалар).
3. Ўт олдириш тизими (ток манбаи, ўт олдириш ғалтаги, ўзгич-тақсимлагич, транзистор коммутатори, ўт олдириш свечалари);
4. Назорат-ўлчов асбоблари ва диагностика тизими (ҳарорат, босим сезгич ва кўрсаткичлари, тахометр, спидометр, дарак берувчи лампалар ва бошқа).

5. Ёритиш ва хабар бериш тизими (бош ёритиш фаралари, автомобиль бурилиши ва тўхташини кўрсатувчи чироқлар, олд ва орка фара ости чироқлар ва ҳоказо).

6. Қулайлик яратувчи асбоблар тизими (ойна тозалагичлар, иситгич электрдвигателлари, кондиционерлар, ойна кўтаргичлар ва ҳоказо).

7. Автомобиль агрегатларини автоматик бошқариш тизимлари.

8. Автомобиль электр жиҳозларининг схемалари. Коммутасия жиҳозлари.

### ***Автомобиль электр жиҳозларига қўйиладиган асосий талаблар:***

1. ***Номинал кучланишига.*** Электр энергия истеъмолчиларининг номинал кучланиши – 12, 24 В. Асосий ток манбаи - генераторнинг номинал кучланиши – 14, 28 В қийматида белгиланади. Автомобиль ҳаракатланётганда ишлайдиган электр энергия истеъмолчилари кучланиш белгиланган номинал қийматидан 95-125% доирасида ўзгарганда ҳам ўз иш қобилияtlарини йўқотмасликлари керак.

2. ***Электр ўтказгичларнинг уланиши схемаси бўйича.*** Автомобилларда бир ўтказгичли схема жорий қилинган, яъни барча истеъмолчиларга битта ўтказгич уланади, ток манбаи ва истеъмолчиларнинг иккинчи қутби эса "масса"га (автомобиль кузовига ёки шассисига) уланади. Электр жиҳозларнинг баъзи буюмларини икки ўтказгичли схема бўйича тайёрлашга йўл қўйилади. 3940-57 рақами Давлат стандарти бўйича "масса"га ток манбаи ва истеъмолчиларнинг манфий қутби уланади.

Автомобиль электр жиҳозларининг номинал кўрсаткичлари (куввати, ток кучи, кучланиши ва ҳоказо), атроф-муҳитнинг ҳарорати  $25\pm10^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 45-80%, атмосфера босими 0,087-0,106 МПа бўлган шароитда белгиланади.

Автомобиль электр жиҳозларининг чулғамлари ва ток ўтказувчи бошқа паст кучланишли занжир элементларининг корпусга нисбатан изоляцияси шикастланмасдан 1 мин давомида 50 Гц частотали 500 В кучланишига бардош бериши **схема** носозликларни топиш, электр жиҳозлар тизимининг ишлашини тушуниш ҳамда уни назорат қилиш учун мўлжалланган бўлиб, керак.

Автомобиль электр жиҳозларидаги чулғамларнинг қизиш ҳарорати атроф-муҳит ҳарорати  $40-50^{\circ}\text{C}$  ва ҳаво босими 0,087-0,106 МПа бўлганда, ишлатилган изоляция материалларнинг тоифасига кўра,  $100-135^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак.

Электр машиналар, ўт олдириш тизимининг тақсимлагичлари салт ишлаш шароитида катталаштирилган айланишлар частотаси билан синалганда 2 мин давомида шикастланмасдан ишлаши лозим. Стартор эса бундай синовга 20 секунд давомида бардош бериши зарур.

Электр жиҳозларининг иши жараёнида вужудга келадиган радиохалакитлар, Давлат стандарти томонидан белгиланган қийматлардан ошмаслиги керак. Бу талабларни қондириш учун электр жиҳозлар экранланган ёки қисман экранланган ҳолда тайёрланади.

***Электр жиҳозлари схемаларининг турлари.*** Транспорт воситалари учун электр жиҳозларининг қуийдаги семалари мавжуд: **принципial ва улаш.**

**Асосий (принципial)** схемага кирувчи барча буюмларнинг ўзаро таъсири тўғрисида тўлиқ тасаввур бериши керак.

**Улашлар схемаси**, схемага кирувчи буюмларни ҳақиқий уланишини белгилайди ва автомобил электр жиҳозларини ишлатиш жараёнида таъмирлаш ҳамда йиғишни энгиллаштириш учун мўлжалланган. Схемада буюмларнинг жойлашиши уларнинг автомобилдаги ҳақиқий жойлашишига қараб белгиланиши керак. Схемада ҳақиқий сим дасталарни, улардаги ҳар бир симнинг чиқиш жойи кўрсатилган ҳолда тасвирланиши лозим.

Автомобил электр жиҳозларнинг **умумий схемасида** алоҳида асбоблардан ташқари яна мустақил тизим ҳосил қилувчи ва шу тизимга кирувчи улаш тизмаларга эга бўлган асбоблар гурухини ажратиш мумкин.

Электр жиҳозларнинг умумий схемасини Нексия автомобили мисолида кўриб чиқамиз. Унда тизимлар микдори қўпроқ бўлиши мумкин, яъни бензинни пуркаш тизими, электрон ўт олдириш тизими, электрон бошқарув тизими ва бошқалар.


Асосий (принципial) схемада юқорида зикр этилган алоҳида вазифаларни бажарувчи тизимларнинг жойлашиш зоналари кўрсатилади (1-схема). Истеъмолчиларнинг уланиш жойини танлашда қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилиш зарур.

Катта ток кучи истеъмол қиладиган ва қисқа вақт ишлайдиган электр жиҳозлари асбоблари, шунингдек, авария (ҳалокат) ҳолатларда ишлаши зарур бўлган асбоблар, амперметр-аккумулятор линиясига уланади. Истеъмолчиларнинг бундай гуруҳига стартер, сигарет ёндиригич, сигнал, капот остидаги чироқ ва кўчма чироқнинг штепсел розеткаси киради

Қолган истеъмолчилар амперметр-генератор линиясига уланади. Бу гурухга ишлаш тавсифига қараб асбоблар ўт олдириш узгичи орқали уланиши керак, қачонки улар факат двигател юраётган пайтда ишласа. Агар асбоблар унча катта боимаган ток истеъмол қилиб, двигатель юраётган пайтда ҳам, ўчирилган пайтда ҳам узоқ вақт ишласа, амперметр-генератор линиясига (ўт олдириш узгичининг амперметр қисқичи) уланади; ёргуиикни марказий алмашлаб улагичи орқали эса барча ёритиш аппаратуралари уланади.

Барча занжирлар сақлагич орқали ҳимояланади. Аккумулятор батареясининг зарядланиш занжирини ҳимоя қилиш шарт эмас. Чап ва ўнг томондаги ёритиш ҳамда дараклаш асбобларини алоҳида сақлагичлар билан ҳимоя қилиш тавсия етилади. Юрғазиш ва ўт олдириш занжирлари уларни ишлатишда ишончлилиги пасайиб кетмаслиги учун қисқа туташувлардан ҳимоя қилинмайди.

1-Схема. Некая автомоилинг умумий электр схемаси



## **Нексия автомобилининг умумий электр схемалари.**

### **Умумий маълумотлар.**

Автомобилнинг электр тармоғи – бир симли, иккинчи сим сифатида «масса» – автомобиль кузов ива куч агрегатлари ҳизмат қиласи. «Масса» билан электр энергияси манбаалари ва истеъмолчиларининг манфий чиқишлари уланади.

Электр жихозларининг тури	Ўзгармас токли
Автомобилнинг электр тармоғи	Бир симли – автомобильнинг манфий қутби кузовга уланган (масса)
Занжирдаги номинал кучланиш, В	12


Сақлагичларнинг ишлаши учун номинал ток унинг корпусида кўрсатилган. Бундан ташқари сақалгичлар корпуси ранги маълум ток кучларига мос келади:

5 А	–	оч жигар ранг (сарғиш)
7,5 А	–	жигар ранг
10 А	–	қизил
15 А	–	кўк
20 А	–	сариқ
25 А	–	оқ
30 А	–	яшил

### **Сақлагичлар ва улар ҳимоя қилаётган занжирлар**

№		Ток, А	Защищаемые цепи
F1	ECM	10	Электронный блок управления двигателем
F2	ILLUMINATION	10	Габаритное освещение
F3	ECM2	—	Резерв
F4	HEAD LAMP H/BEAM	20	Дальний свет фар
F5	H/LAMP LH L/BEAM	10	Ближний свет и электрокорректор (левая фара)
F6	H/LAMP RH L/BEAM	10	Ближний свет и электрокорректор (правая фара)
F7	FUEL PUMP	30	Топливный насос, форсунки
F8	HAZARD LIGHT	20	Указатели поворота (аварийная сигнализация), сигналы торможения
F9	WIPER	30	Стеклоочиститель и стеклоомыватель
F10	FUEL DOOR	10	Электропривод замка крышки люка заливной горловины топливного бака
F11	AIRCON	10	Реле компрессора системы кондиционирования
F12	BLOWER MOTOR (LOW)	30	Электровентилятор системы охлаждения (низкая скорость)
F13	CLUSTER CIGAR CHIME	20	Щиток приборов, цифровые часы, прикуриватель, зуммер, фонари света заднего хода, генератор, обогрев заднего стекла
F14	HORN BLOWER MOTOR (HIGH)	30	Звуковой сигнал, электровентилятор системы охлаждения (высокая скорость)
F15	ROOM LAMP ANT	20	Плафоны освещения салона и багажного отделения, электропривод антенны
F16	POWER WINDOW	30	Электростеклоподъёмники
F17	AUDIO (IGN)	10	Автомагнитола (питание от замка зажигания)
F18	AUTO TRUNK DOOR LOCK AUDIO (BATT)	30	Автомагнитола (питание от аккумуляторной батареи), электрообогрев заднего стекла, электропривод замка крышки багажного отделения, центральный замок

Бундан ташқариш Матиз автомобилининг умумий электр схемасини ҳам мисол тарзида келтириш мумкин.



1-расм. Матиз автомобилининг умумий электр схемаси:

1-аккумулятор батареяси; 2-коммутатор; 3-узгич таксимлагич; 4,5-ўт олдириш ғалтаги; 6-стартер; 7-генератор; 8-ўт олдириш свечалари; 9,10-ёритиш ва даракчи фаралар; 11-приборлар панели; 12-юқори босимли ёқилғи насоси; 13-ёрдамчи электр жихозлар; 14-улаш симлари

## 1.2. Электр билан таъминлаш тизими. Аккумулятор батареялари ва генераторлар.

### Аккумулятор батареялари

Ички ёнув двигателни ишга тушириш жараёнида старторни ток билан таъминлаш ва генератор ишламаганда ёки унинг қуввати етарли бўлмаганда автомобилдаги барча ток истеъмолчиларини электр энергия билан таъминлаш вазифасини аккумулятор батареяси бажаради. Аккумулятор электр токининг кимёвий манбай бўлиб, у ташқаридан электр токи берилганда киёмвий энергияни йиғиш (зарядланиш) ва уни электр энергия кўринишида ташки истеъмолчиларга узатиш (разрядланиш) қобилиятига эга бўлган мосламадир. Энергиянинг бир турдан иккинчи турга ўтиш жараёни аккумуляторнинг бутун ишлаш даврида узлуксиз давом этиб туради.

Двигателни ишга тушириш жараёнида стартор жуда қисқа вақт ичида катта микдорда 250 А дан 1000 А гача ток истеъмол қиласди. Шунинг учун автомобилларга ўрнатиладиган аккумуляторларнинг ички қаршилиги имкон борича кичик, катта разряд токларига чидамли бўлиши керак. Тузилиши катта разряд токи беришга мослаштирилган аккумуляторлар батареяси – **стартер аккумуляторлар батареяси** деб юритилади.

Автомобилларда асосан қўрошин-кислотали ва баъзи ҳолларда ишқорли аккумуляторлар ишлатилади.

Кўрошин-кислотали аккумулятор элементининг электр юритувчи қучи (ЭЮК) 2 В га тенг бўлиб, 12 В қучланишга эга бўлган аккумуляторлар батареясини ҳосил қилиш учун олтита аккумулятор элементи кетма-кет уланади. қўрошин-кислотали аккумуляторлар батареясининг ички қаршилиги

кичик бўлганлиги сабабли, уларга стартор уланганда аккумулятордаги кучланишнинг пасайиши нисбатан кам бўлади. Шунинг учун қўрғошин-кислотали аккумуляторларнинг бир қатор камчиликлари бўлишига қарамасдан (механик мустаҳкамлиги етарли эмас, хизмат муддати нисбатан кичик ва ҳоказо) автомобилларда жуда кенг кўламда ишлатилади, чунки уларнинг тавсифномалари стартор режимига энг тўла мос келади.

Ишқорли аккумулятор элементининг ЭЮК 1,25 В га тенг бўлиб, 12 В кучланишга эга бўлган аккумуляторлар батареясини ҳосил қилиш учун ўнта аккумулятор элементи кетма-кет уланади. Ишқорли аккумуляторлар батареясининг ички қаршилиги нисбатан катта бўлади, шунинг учун катта ток билан разряд қилинганда (стартор режими) уларнинг тутқичларидаги кучланиш, қўрғошин-кислотали аккумуляторларга нисбатан анча паст бўлади ва демак, стартор етарли қувват бера олмайди. 12 В кучланишга мўлжалланган ишқорли аккумуляторлар батареяси, қўрғошин-кислотали аккумуляторга нисбатан 1,5 марта оғир бўлади, нархи эса 2-3 баробар ортиқ бўлади. Шунинг учун, ишқорли аккумуляторлар автомобилда жуда кам ишлатилади. Лекин ишқорли аккумуляторларнинг механик мустаҳкамлиги юқорилиги ва хизмат муддати қўрғошин-кислотали аккумуляторларга нисбатан 4 - 5 баробар ортиқ эканлиги диққатга сазовордир. Шу сабабли, аккумуляторларни ишлатиш жараёнида уларнинг ишончлилик ва чидамлилик омиллари ўта зарур бўлганда (масалан, ер шарининг шимолий ёки жанубий қутбларида, умуман этиб бориши қийин бўлган жойларда ишлайдиган автомобиллар учун) ишқорли аккумуляторларни ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.


**Қўрғошин-кислотали аккумуляторлар батареясининг тузилиши.** Аккумуляторлар батареяси (2-расм) яхлит қобиқ 12 да жойлаштирилган уч ёки олтига кетма-кет уланган аккумуляторлардан ташкил топган. Ҳар бир аккумулятор бир-биридан тўсиқлар билан ажратилган. Аккумуляторлар батареясининг қобиғи эбонит, термопласт, полипропилен ва полистирол каби кислотага чидамли, механик мустаҳкамлиги етарли даражада юқори бўлган материаллардан тайёрланади. қобиқнинг ҳар бир бўлимининг пастки қисмида мусбат ва манфий пластиналар таянадиган қовурғалар 13 бўлиб, улар аккумулятор тубига чўқмалар йиғилганда (актив масса тўкилганда) пластиналарни қисқа туашувдан сақлайди.

Аккумулятор элементи мусбат 2 ва манфий 3 пластиналардан йиғилади. Пластиналар асоси қўрғошин панжара бўлиб, унинг қувилиш хусусиятларини яхшилаш, механик мустаҳкамлигини ва коррозияга чидамлилигини ошириш мақсадида таркибига 5-7% сурма ва 0,1-0,2% мишяқ (маргимуш) қўшилади. қўрғошин панжара ораларига актив масса тўлдирилади. Мусбат пластинага актив масса сифатида қўрғошин суриги ( $Pb_3O_4$ ), қўрғошин оксиди ( $PbO$ ) ва сулфат кислота ( $H_2SO_4$ ) аралашмаси қопланса, манфий пластинага қўрғошин кукуни ва сулфат кислота аралашмаси сурилади. Мусбат пластиналарнинг актив массаси мустаҳкамлигини ошириш учун унга полипропилен толалалари қўшилади. Манфий пластиналардаги актив массанинг иш жараёнида зичлашиб кэтишини олдини олиш учун унинг таркибига 2% гача кенгайтирувчи


моддалар қўшилади. Кенгайтирувчи моддалар сифатида торф, қоракуя, пахта тарандиси ва ҳоказолар ишлатилади.

Шу усулда тайёрланган пластиналар прессланади, қуритилади ва сулфат кислота  $H_2SO_4$  ҳамда дистилланган сувдан ташкил топган эритмага, яъни электролитга туширилади ва қиймати кичик бўлган ток билан заряд қилинади. Бу жараён **пластиналарнинг шаклланиши** деб аталади.


Пластиналарнинг шаклланиш жараёни натижасида мусбат пластиналаги актив масса оч жигарранг қўрғошин оксидига  $PbO_2$ , манфий пластиналаги - кулрангли ғовак қўрғошин  $Pb$  га айланади. Тайёр пластиналар баретка 4 ёрдамида манфий ва мусбат ярим блокларга бириттирилади. Баретка - борн ва пластиналарнинг қулоқчалари кавшарланадиган кўприкча 6 дан ташкил топган. Ярим блоклардаги пластиналар сони аккумуляторлар батареясининг номинал сифимини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланади. Мусбат пластиналарнинг деформатсияга мойиллиги катта бўлганлиги сабабли, уларни манфий пластиналар орасига жойлаштирилади. Шунинг учун, аксарият ҳолда манфий пластиналарнинг сони биттага кўп бўлади. Ҳар хил қутбли пластиналарнинг ўзаро қисқа туташувини олдини олиш мақсадида уларнинг орасига сепараторлар 1 жойлаштирилади.



Аккумулятор қопқоғи



Аккумулятор тиқинлари



2-расм. Аккумуляторлар батареяси

1-сепаратор, 2-мусбат пластиналар, 3-манфий пластиналар, 4-баретка, 5-сақловчи тўсиқ, 6-кўприкча, 7-қопқоқ, 8-электролит ва дистилланган сув қуийш туйнуғи, 9-элементлараро улагич, 10-тиқин, 11-қутб қулоғи, 12-яхлит қобик, 13-таянч қовурғаси

Сепараторлар кислотага чидамли, изоляция хусусиятига эга бўлган ғовак материаллардан тайёрланади. Хусусан, микроғовакли пластмассалар (мипласт, поровинил, порвинг, винипор) микроғовакли эбонит (мипор), шиша намати каби материаллар сепараторлар тайёрлашда кенг қўлланилади. Мипордан тайёрланган сепараторлар ўзининг ўта ғоваклиги, электр қаршилигининг камлиги билан бошқа материаллардан тайёрланган сепараторлардан устун туради. Мипорли сепараторлар аккумуляторлар батареясининг ишлаш муддатини ошириш имконини беради. Лекин, мипор табиий каучукдан олингандиги сабабли, ундан тайёрланган сепараторлар нисбатан қимматроқ бўлади.

Мипластдан тайёрланган сепараторлар электролитни ўзига жуда тез сингдириб олади, уларнинг механик мустаҳкамлиги, кимёвий чидамлилиги етарли даражада бўлади. Лекин мипластдан тайёрланган сепараторларнинг ғоваклиги нисбатан паст ва уларда ток ўтказувчан ўсимталар ҳосил бўлиш эҳтимоли юқорироқ бўлади. Шунинг учун сепараторлари мипластдан тайёрланган аккумуляторларнинг ишлаш муддати бирмунча камроқ бўлади.


Сепараторлар тўртбурчакли пластина кўринишида бўлиб, электролит ўтишини энгиллаштириш учун мусбат пластинага қаратилган томони қовурғали қилиб тайёрланади. Сепараторлар пластиналарга нисбатан энига 3-5 мм га, бўйига 9-10 мм га каттароқ бўлади. Бу пластиналар орасида ток ўтказувчан ўсимталар ҳосил бўлиш эҳтимолини камайтиради. Баъзида, оғир шароитда ишлайдиган автомобиллар учун кўш сепараторли аккумуляторлар ўрнатилади. кўш сепараторларнинг тузилиши қуйидагича бўлади: мипласт ёки мипордан тайёрланган сепараторнинг қовурғали томонига шиша пахтадан тайёрланган юпқа намат жойлаштирилади. Шиша намат мусбат пластинага ёпишиб туради ва унинг актив массасини тебраниш, титраш таъсирида сирғалиб тўкилиб кэтишидан анча сақлайди.

Аккумуляторлар батареяси қобигининг бўлинмаларига блокларга йиғилган электрод ва сепараторлар жойлаштирилади. қарама-қарши қутбли ярим блокларнинг ҳар бири қобиқ тубида ўз қовурғасига таянганлиги сабабли, чўқмалар орқали пластиналар орасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган қисқа туташув истисно қилинади. Электролит сатҳини ёки зичлигини ўлчаш жараёнида пластиналар ҳамда сепараторларнинг юқори қисмини емирилишдан сақлаш мақсадида, улар устига кислотага чидамли пластмассадан тайёрланган ғалвирсимон сақловчи тўсик 5 ўрнатилади.

Эбонит ёки пластмассадан тайёрланган қопқоқ аккумуляторнинг алоҳида бўлинмаларини ёки қобиқ устини тўла ёпидиган қилиб тайёрланиши мумкин. Ҳар бир аккумулятор алоҳида қопқоқ 7 билан ёпилганда унинг атрофи кислотага чидамли маҳсус мастика ёрдамида зичлаштирилади. Пластмассадан тайёрланадиган умумий қопқоқлар аккумулятор қобигига кавшарланади ёки маҳсус елим ёрдамида ёпиштирилади.

Алоҳида қопқоқнинг (2-расм) учта доирасимон туйнуғи бўлиб, иккита чеккасидаги 1 пластина яримблокларининг қутб қулоқчаларини чиқариш учун мўлжалланган бўлса, ўртадаги резбали туйнук 2 аккумуляторга электролит,


дистилланган сув қуиши ва электролит сатхини ва зичлигини ўлчаш учун хизмат қиласи. Пластина яримблокларининг қутб қулокчаларини ёки борнни кавшарлаш ва тегишли герметик зичликни таъминлаш мақсадида қопқоқнинг икки чеккадаги туйнугига қўроғшин ҳалқалар 3 жойлаштирилади.



3-расм. Умумий қопқоқли аккумуляторларнинг резбасиз тиқинлар блоки

Аккумуляторларнинг резбали тиқинлари (3-расм) эбонитдан ёки пластмассадан (полиэтилен, полистирол, фенолит ва ҳоказо) тайёрланади. Иш жараёнида аккумулятор ичида ҳосил бўладиган газлар чиқиши учун тиқинларда маҳсус шамоллатиш туйнути 1 ўйилади. Автомобил ҳаракатланганда электролит чайқалиб тўкилмаслиги учун тиқиннинг пастки қисмида тўсиқ 3 ўрнатилади. Аккумулятор қопқоғи билан тиқин орасидаги зичлик резина ҳалқа 2 ёки баъзида конуссимон қирра 4 ёрдамида таъминланади.

Янги электролит қуийлмаган аккумуляторларда электродларнинг оксидланиб қолиши олдини олиш учун тиқинлар таги резина лаппак билан зичлаштирилади ёки шамоллатиш туйнуги ёпишқоқ тасма билан елимланиб қўйилади. Кўпчилик янги аккумуляторларнинг пластмасса тиқинларининг шамоллатиш туйнуги пластмасса қуийлмаси 5 билан ёпилган бўлади. Аккумуляторни ишга туширишдан олдин ушбу пластмасса қуийлма қирқиб ташланиши ва шамоллатиш, туйнуги очиб қўйилиши зарур. Аккумулятор батарея-сининг қопқоғи умумий бўлганда, унга бир йўла бир нечта электролит қуийш туйнукларини ёпадиган тиқинлар блоки ўрнатилади. Тиқинлар блоки пластмасса тахтача 1 (4-расм) шаклида ясалиб, унга керакли миқдорда резбасиз тиқинлар 2 жойлаштирилади.



4-расм. Аккумулятор элементларининг ўзаро улаш услублари


Аккумулятор элементлари турли тузилишга эга бўлган элементлараро улагичлар ёрдамида батареяга бирлаштирилади. қопқоқлари алоҳида бўлган аккумуляторларда улагичлар ташқаридан ўтади (4-а расм). Умумий қопқоқли аккумуляторларда улагичлар элементлараро тўсиқлар устидан (4-б расм) ёки бевосита тўсиқ орқали (4-с расм) ўтказилади. Бу кўринишдаги, яъни калталаштирилган элементлараро улагичлар, аккумуляторларнинг ички қаршилигини, қўрғошин сарфини ва демак, аккумуляторлар батареясининг умумий вазнини камайтириш имконини беради.

Оддий қўрғошин-кислотали аккумуляторлар батареясига хос камчиликларнинг (электролит сатхининг тез камайиб кэтиши, мусбат қутбли пластиналарнинг тез емирилиши, ўз-ўзидан разряд бўлиши ва ҳоказо) кўпчилиги пластина панжаралари таркибида 5-7% сурма борлигидан келиб чиқади.

Сурма электролит таркибидаги сув электролиз бўлишига катализатор сифатида таъсир қиласди. Сув водород ва кислородга парчаланиш потенсиалини генераторнинг ишчи кучланишлари даражасигача пасайтириб, сурма аккумулятордан газлар ажралиб чиқиши тезлатади. Натижада, аккумулятордаги электролит сатҳи нисбатан тез пасаяди, ажралиб чиқаётган газлар мусбат пластина панжаралари, қутб қулоқлари ва автомобил металл қисмларининг коррозияланишига олиб келади.

Оддий аккумуляторлар батареясининг юқорида келтирилган камчиликларини бартараф қилиш мақсадида "хизмат қўрсатилмайдиган" аккумуляторлар ишлаб чиқилди. "Хизмат қўрсатил-майдиган" аккумуляторни ишлаб чиқишидаги изланишлар асосан газ ажралиб чиқишини тезлатувчи пластиналар таркибидаги сурмани бутунлай истисно қилишга ёки микдорини камайтиришга ёъналтирилди. Илмий тадқиқотларнинг натижалари, пластина панжаралари қўрғошин-калций-қалай қотишмасидан тайёрланса, аккумулятордан ажралиб чиқаётган газ микдорининг жуда кам бўлишини кўрсатди. Ҳозирги вақтда саноатда ишлаб чиқарилаётган "хизмат қўрсатилмайдиган" турдаги аккумуляторлар батареясида манфий пластина панжаралари қўрғошиндан қўйилиб унга **0,06-0,09% атрофида калций ва 0,1-1,0% гача қалай** қўшилади. Мусбат пластиналарнинг панжараси эса қўрғошин, **1,25% сурма ва 1,5% кадмийдан** ташкил топган.

Пластина панжараларини қўрғошин-калций-қалай қотишмасидан тайёрлаш аккумулятор ишлаб чиқариш жараёнини тўла ўзгартиришни тақозо қиласди. Шунинг учун аккумуляторлар ишлаб чиқаришда йўлга қўйилган технологик жараённи сақлаб қолиш билан бир вақтда унинг хусусиятларини яхшилаш мақсадида пластина панжаралари таркибидаги сурма микдори 2,0-2,5% гача камайтирилиб, панжараларнинг мустаҳкамлигини оширишга мўлжалланган легирловчи қўшимчалардан мис (0,02-0,05%), олtingугурт ва селен (0,01% гача), қалай (0,01% гача) қўшиш билан чекланилади. Бу усулда тайёрланган аккумуляторлар "кам хизмат қўрсатиладиган" аккумулятор деб юритилади ва улардаги газ ажралиб чиқиш, оддий аккумуляторларга нисбатан бир неча баробар кам бўлади.



5-расм. Сепаратор-конверт:  
1-мусбат электрод, 2-сепаратор, 3-сепаратор қовурғалари

"Хизмат кўрсатилмайдиган" аккумуляторларнинг баъзи турлари электролит қўйиладиган туйнуксиз, умумий қопқоғи герметик ёпилган ҳолда тайёрланган бўлади. Бу аккумуляторларнинг разрядланганлик даражасини электролит зичлиги орқали аниқлашнинг имконияти йўқ. Шунинг учун, бундай аккумуляторларнинг қопқоғида маҳсус разрядланганлик кўрсаткичи ўрнатилиди. Аккумуляторнинг разрядсизланганлик даражаси белгиланган миқдордан камайганда кўрсаткичнинг ранги ўзгаради.

"Хизмат кўрсатилмайдиган" ва "кам хизмат кўрсатиладиган" аккумуляторларда сепараторларнинг янги тури - "сепаратор-конверт" (5-расм) ўрнатилмоқда. Бу сепараторлар конверт кўринишида тайёрланиб, икки ёни ва остиқи қисми кавшарланган бўлади. Сепаратор-конвертга аккумуляторнинг мусбат ёки манфий қутбли пластинаси жойлаштирилади. Бу кўринишдаги сепараторларни қўллаш, электродларнинг актив массасидан тўкиладиган чўқмалар орқали пластиналар орасида қисқа туташув бўлишини истисно қиласди. Натижада, аккумулятор яхлит қобигининг тубидаги қовурғаларга эҳтиёж йўқолади. Сепаратор-конвертлар ишлатилиши, пластина блокларини бевосита аккумулятор қобигининг тубига жойлаштириш ва шунинг ҳисобига қобиқ баландлигини ўзгар-тирмасдан пластиналар юзасини ҳамда аккумуляторга қўйиладиган электролит миқдорини ошириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, аккумуляторлар батареясининг сифимини ортишига олиб келади.

### **Генератор қурилмалари**

Автомобил генераторининг тузилиши содда, ишлатилиш жараёнидаги чидамлилик ва ишончлилик даражаси юқори, габарит ўлчамлари, массаси, таннархи мумкин қадар кичик ва двигател айланишлар частотаси паст бўлган ҳолларда ҳам аккумуляторлар батареясини заряд қилинишини таъминлаш каби хусусиятларга эга бўлиши керак.

Узоқ вақт давомида автомобилларда электр энергиянинг асосий манбаи сифатида ўзгармас ток генераторлари ишлатилди. Автомобиллардаги электр тики истеъмолчилигининг тобора кўпайиши, катта шаҳар кўчаларидағи транспорт ҳаракати қатновининг ниҳоятда тифизлашганлиги натижасида автомобил двигателларининг салт ишлаш вақтининг ортиши, генераторларнинг қувватини ва максимал айланишлар частотасини ошириш эҳтиёжини туғдирди. Ўзгармас ток генераторининг жиддий камчиликлари ва

тузилишининг ўзига хос томонлари бу масалани ҳал қилиш имконини бермайди. Хусусан:

- ўзгармас ток генераторида бир фазали ўзгарувчан ток якор чулғамларида, яъни генераторнинг айланувчи қисмида индукцияланади, уни истеъмолчиларга узатиш катта қийинчиликлар туғдиради;
- ўзгармас ток генераторларида механик тўғрилагич вазифасини бажарувчи коллектор генераторнинг айланишлар частотасини ва қувватини ошириш имкониятини бермайди, чунки якорнинг айланишлар частотаси ва ундаги ток қиймати ошганда, чўтка билан коллектор орасида меъёридан ортиқ учкун ҳосил бўлади ва улар тез ейилиб ишдан чиқади;
- ўзгармас ток генераторининг юклама токи белгиланган максимал қийматидан ошиб кэтиши туфайли, ҳамда аккумуляторлар батареясини (генератор ишламай турган ҳолда) генератор чулғамлари орқали зарядсизланиш ҳавфидан сақлаш мақсадида кучланиш ростлагичига қўшимча равища ток чеклагич ва тескари ток релелари ўрнатилади. Бу реле-ростлагичларнинг конструксиясини мураккаблаштиради ва уларнинг ишончлилигини пасайтиради.


Электрон саноатнинг ривожланиши натижасида таннархи арzon, ўлчамлари кичик, юқори ҳароратларга чидамли ва ишончлилиги баланд бўлган кремний яrim ўтказгичлар асосида ясалган тўғрилагичларининг пайдо бўлиши автомобилларда, ўзгармас ток генераторларига хос бўлган камчиликлардан ҳоли бўлган ўзгарувчан ток генераторларини кенг кўламда ишлатиш имконини берди.

Ўзгарувчан ток генераторларининг тузилиши ўзгармас ток генераторларида нисбатан содда, қуввати бир хил бўлган ҳолда, габарит ўлчамлари ва массаси 2-3 марта кичик, чидамлилик ва ишончлилик даражаси анча юқори. Уларда қимматбаҳо рангли металл бўлган мис ўзгармас ток генераторига нисбатан  $\sim 3$  баравар кам ишлатилади. Ўзгарувчан ток генераторларида коллектор йўқ, мураккаб якор чулғами ўрнига ўралиши осон бўлган статор чулғамлари ишлатилади. Уйғотиш чулғами ҳам яхлит битта фалтақдан иборат. Ўзгармас ток генераторларининг солиштирма қуввати (яъни 1 кг массасига тўғри келадиган қувват) **45 Вт/кг** дан ошмаган ҳолда, ўзгарувчан ток генераторларидаги бу кўрсаткич **150 Вт/кг** дан ортиб кетди.

Ўзгарувчан ток генераторларида коллекторнинг йўқлиги ҳисобига унинг максимал айланишлар частотасини  $12000-15000 \text{ мин}^{-1}$  га этказиш, двигател билан генератор орасидаги қийик тасмали узатманинг узатиш сонини 2,0-2,5 гача ошириш мумкин. Бу двигател салт ишлаган ҳолда ҳам генераторнинг 50...60 % қувватини истеъмолчиларга бериш ва аккумуляторни зарядлаш имконини беради.

Ўзгарувчан ток генераторлари юклама ток қийматини чеклаш хусусиятига эга бўлганлиги ва уларда тўғрилагич сифатида яrim ўтказгичли диодлар ишлатилганлиги сабабли ток чеклагич ва тескари ток релеларига зарурат йўқолад. Бу генераторнинг кучланишини ростлаш тизимини анча соддалашишига ва унинг ишончлилик даражасини ортдишишига олиб келди.

**Ўзгарувчан ток генераторларининг ишлаш принципи.** Ўзгарувчан ток генератори (6-расм) асосан қуидаги қисмлардан ташкил топган: қўзғалмас статор 1, айланувчи ротор 9, контакт ҳалқалари 13, чўткалар 12, чўткатутқич 14, тўғрилагич блоки 7, парракли шкив 4 ва қопқоқлар 3, 10. Статор электротехник пўлат пластиналардан йиғилган бўлиб унинг ички юзасида статор ғалтаклари ўрнатиш учун мўлжалланган ва оралифи бир ҳил бўлган тищчалари мавжуд.



6-расм. Ўзгарувчан ток генератори (соддалаштирилган кўриниши)


Тищчаларни сони 18, 36 ёки 72 бўлиши мумкин. Ҳозирги замон генераторларида кўпроқ 36 тищчали статорлар ишлатилмоқда. Бу тищчаларга 18 (ёки 36, 72) статор ғалтаклари жойлаштирилиб, улар уч фазага бўлинади. Ҳар бир фазага олтита кетма-кет уланган ғалтак киради. Фазалар ўзаро «юлдуз» ёки «учбурчак» схемаси бўйича мумкин. Статор чулъамларини «учбурчак» схемаси бўйича уланганда ундаги фаза токининг қиймати чизиқли токга нисбатан  $\sqrt{3}$  мартага кам бўлади. «Юлдуз» схемасида эса фаза ва чизиқли токлар бир-бирига тенг бўлади. Бу эса «учбурчак» схемаси бўйича ўралган статор чулғамлари учун диаметри кичикроқ бўлган сим ишлатиш имконини беради. Шунинг учун охирги вақтда генераторларнинг зарур қувватини сақлаган ҳолда уни ўлчамларини ихчамроқ қилиш мақсадида статор чулғамларини «учбурчак» схемаси бўйича ўраш тобора кенг қулланилмоқда.

Ротор қарама-қарши қутбли, олти учли тумшуқсимон пўлат ўзак 9 ва улар орасидага пўлат втулка 15 га ўралган уйғотиш чулғами 8 дан иборат. Уйғотиш чулғамининг учлари валдан ва бир-биридан изолятсия қилинган мис ҳалқалар 13 га уланган. Ротор вали алюминий қотишмаларидан тайёрланган қопқоқларга ўрнатилган зўлдирили подшипникларда айланади.

Контакт ҳалқалар томонидаги қопқоқ 10 га пластмассадан тайёрланган, иккита мис-графит чўткалар 12 жойлаштирилган, чўткатутқич 14 ва тўғрилагич

блоки 7 ўрнатилган. Валга шпонка ёрдамида парракли шкив 4 маҳкамланган. Генератор ротори ҳаракатни шкив ва тасмали узатма орқали двигателнинг тирсакли валидан олади.

**Генератор қўйидагича ишлайди.** Электромагнит уйғотиш принципига асосланган ўзгарувчан ток генераторлари ўз-ўзини уйғотиш хусусиятига эга эмас. Бундай генераторларни ишга тушириш учун дастлабки дақиқаларда унинг уйғотиш чулғамига аккумулятордан чўтка ва мис ҳалқалар орқали ток берилади. Уйғотиш чулғамидан ўтаётган ток таъсирида унинг атрофида магнит оқими ҳосил бўлади (7-расм). Магнит оқими 7 нинг асосий қисми роторнинг тумшуқсимон ўзагининг биринчи бўллаги 3 орқали ҳаволи тирқишини кесиб статор 5 тишчалари ва ўзагига ўтади, сўнгра ҳаволи тирқишини яна бир бор кесиб, роторнинг тумшуқсимон ўзагининг қарама-қарши қутбланган иккинчи бўллаги 4 га ўтиб, уйғотиш чулғами втулкаси 1 орқали туташади. Магнит оқимининг қолган қисми 8 ўзакдан ташқарига таралиб кетади.



7-расм. Генераторнинг магнит тизими

Ротор айланганда статорнинг ҳар бир тищаси остидан роторнинг дам мусбат, дам манфий қутбланган тумшуқсимон учликлари ўтади, яъни статор чулғамларини кесиб ўтаётган магнит оқими ёъналиши бўйича ҳам, қиймати бўйича ҳам ўзгариб туради.

Статор чулғамларида индукцияланган ЭЮК нинг вақт бўйича ўзгариш характеристи магнит оқимининг статор доирасидаги ҳаво тирқишиларида тақсимланишига боғлиқ, у эса ўз навбатида ротор ўзаги учликларининг шаклига боғлиқ. Ўзгарувчан ток генераторларда асосан шакли трапециясимон бўлган тумшуқсимон учлик ротор ўзаклари қўлланилади. Ротор ўзагининг бундай тузилиши индукцияланган ЭЮК нинг синусоидага яқин кўринишда ўзаришини таъминлайди.

Генераторнинг статор чулғамларида ҳосил бўлган ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантириш учун уч фазали, икки ярим даврли, кўприкли тўғрилаш схемаси ишлатилади. Бу схема ёрдамида тўғриланган кучланишнинг импульсацияси нисбатан катта бўлмайди ва ҳозирги вақтда автомобилларда

жуда кенг кўламда қўлланилаётган электрон жиҳозларни меъёрида ишлашини таъминлайди.

Генератор чулғамлари "юлдуз" схемаси (8-расм) бўйича уланганда, тўғрилагич қуидагича ишлайди. Тўғрилагичдаги диодлар икки гурухга бўлиниб, биринчи гуруҳдаги диодларнинг (VD1, VD2, VD3) анодлари генераторнинг мусбат қутбига, иккинчи гуруҳдаги диодларнинг (VD4, VD5, VD6) катодлари манфий қутбга, яъни "масса"га уланади. Ҳар қайси берилган дақиқада тўғрилагичда бир вақтда иккита диод ишлайди (яъни очик бўлади) - биринчи гуруҳдан анодининг мусбат потенсиали статор чулғамлари уланган тугун 0 нуқтага нисбатан энг катта бўлган диод ва иккинчи гуруҳдан катодининг манфий потенсиали шу 0 нуқтага нисбатан энг катта бўлган диод.

Масалан, 8-а расмда кўрсатилган тўғрилагич ишининг дастлабки дақиқаларини таҳлил қиласли. Токнинг 0 тугун томон ҳаракатини мусбат, тескари томонга ҳаракатини манфий ёъналиш, деб қабул қилинган. Генератор ишининг дастлабки дақиқаларида статорнинг L3 чулғамидаги кучланиш мусбат, L2 чулғамидаги – манфий қийматга эга бўлади. L1 чулғамда ток йўқ. Бу ҳолда чулғамлардаги ток расмдаги кўрсаткичлар йўналиши бўйича "+" дан "-" га ҳаракат қиласли: 0 тугун – L2 чулғам – VD3 диод – юклама қаршилиги  $R_{io}$ - "масса" - D4 диод - L3 чулғам - 0 тугун. Яъни бу дақиқада, тўғрилагичнинг VD3 ва D4 диодлари очик бўлади.


Бошқа, масалан  $t$  дақиқада, L1 чулғамдаги кучланиш мусбат, L3 чулғамдаги – манфий қийматга эга бўлади. L2 чулғамда эса ток йўқ. Бу ҳолда ток, истеъмолчиларга, очик бўлган VD1, VD5 диодлари орқали тўғриланиб боради. Ҳар жуфт диодлар кучланишдаги тебраниш даврининг тахминан 1/3 қисмига teng вақт давомида ишлайди. Тўғриланган кучланишнинг импульсацияланиш частотаси генератор фазалар сонининг иккиланганига teng бўлиб, бир давр давомида олти импульсациядан иборат (8-б расм).

Ўзгарувчан ток генераторларининг афзаллик томонларидан бири, тўғрилагич диодлари аккумуляторлар батареясини статор чулғамлари орқали разряд бўлишига йўл қўймайди. Бу генератор билан тескари ток релесини ишлатиш зарурати йўқолади ва ростлагич тузилиши анча соддалашади.

Статорларининг фаза чулғамлари "юлдуз" схемаси бўйича уланган генераторлар учун қуидаги муносабатлар мавжуд:

$$U_u = 3 U_\phi, \quad I_u = I_\phi$$

Бунда  $U_u, I_u$  – генераторнинг чизиқли кучланиши ва токи;  $U_\phi, I_\phi$  – генераторнинг фаза кучланиши ва токи.






8-расм. Уч фазали икки яримдаврли түғрилагич схемаси

Таркибида түғрилагич бўлган ўзгарувчан ток генераторининг кучланиши ва токи ўртасидаги муносабатни таҳлил қилганда түғрилагичларда ишлатиладиган ярим ўтказгич диодларнинг сифати бенуқсон эмаслигини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун амалда генератор кучланишининг ўзгариш шакли синусоидадан, түғриланган кучланиш ва ток қиймати эса, назарий йўл билан ҳисобланганидан фарқ қиласи. Чунки, генераторнинг индуктив чулғамларида тўпланган электромагнит энергия таъсирида, ёпилаётган диоддаги ток дарҳол йўқолмайди, очилаётган диоддаги ток эса аста-секин ортади. Натижада, занжирдаги юклама қиймати ортиши билан түғрилагичгача ва түғрилагичдан кейинги кучланишларнинг ҳамда түғриланган ва фаза токларининг ўзаро муносабатлари ўзгаради.

Генераторнинг салт ишлаш режимларига яқин ҳолларда фаза кучланишининг ўзгариш шакли синусоидага яқин бўлади, фаза токининг ўзгариш шакли эса анча даражада бузилган кўринишда бўлади. Юклама қиймати ортиши билан бу ҳол ўзгара бошлади. Фаза кучланишининг шакли бузилади, фаза токининг ўзгариш шакли эса синусоидага яқинлашади.

**Ўзгарувчан ток генераторларининг конструксияси ва уларнинг ўзига хос томонлари.** Контакт ҳалқали ўзгарувчан ток генераторларининг автомобилларда жуда кенг кўламда татбиқ топган турларидан бири 32.3701 (Г250) белгили генератор ва унинг кўп сонли ҳар хил кўринишларидир. 1.30-расмда шу генераторнинг тузилиши берилган.

Генераторнинг ҳалқасимон статор ўзаги 10, уорма токларни камайтириш мақсадида бир-биридан лак билан изолятсия қилинган, қалинлиги  $\approx 1,0$  мм бўлган электротехник пўлат тасмалардан йиғилган, улар ташқи юзадаги айлана бўйлаб олтида нуқтада ўзаро кавшарланган. Статорнинг ички юзасида 18 та бўйлама ариқчалари бўлиб, улар бир-биридан тишчалар билан ажратилган. Ҳар бир тишчага сирланган мис симдан ўралган 18 та фалтак 8 ўрнаштирилган. /алтаклар учта фаза чулғамларига бўлиниб, ҳар бир чулғамга кетма-кет уланган олтида фалтак киради. Битта фазага тааллуқли фалтаклар иккита тишча оралатиб учинчисига кийгизилган. Фаза чулғамлари ўзаро "юлдуз" схемаси бўйича уланган, уларнинг бошланғич учлари бир жойда туташиб уч фазали системанинг нол нуқтасини ҳосил қиласи. Фаза чулғамларининг иккинчи учлари түғрилагич блоки 3 нинг қисқичлари 2 га уланган.



9-расм. 32.3701 белгили ўзгарувчан ток генератори:  
а) кўндаланг кесими; б) асосий қисмлари

Ротор (9-б расм) тарамланган валга прессланган, иккита, бири иккинчисинининг орасига кирган, қарама-қарши қутбли (бири шимолий қутб Н, иккинчиси жанубий қутб С),олти учли тумшуқсимон пўлат 9 дан ва улар орасидаги пўлат втулка 12 га сирланган мис симдан ўралган уйғатиш чулғами 11 дан иборат. Уйғотиш чулғамининг учлари валдан ва бири-биридан изолятсия қилинган мис контакт ҳалқалари 4 га қалайлаб уланган.

Ротор, қопқоқларга ўрнатилган ёпиқ турдаги, зўлдирили подшипникларда айланади. Генераторни йифиши жараёнида подшипниклар юқори сифатли консистент мой билан тўлдирилади ва ишлатиш даврида бошқа мойланмайди.

Алюминий қотишмаларидан, босим остида қуйиш йўли билан, тайёрланган генератор қопқоқларида шамоллатиш дарчалари қолдирилган. Контакт ҳалқалари жойлашган томондаги қопқоқ 1 га иккита мис-графит чўтка ўрнатилган, пластмассадан тайёрланган чўткатутқич 6 ва тўғрилагич блоки 3 жойлаширилган. Чўткалар мис ҳалқаларга чўткатутқичдаги пружиналар 7 ёрдамида босиб турилади.

Генератор қопқоқларидвигателдаги таянчга маҳкамлаш учун мўлжалланган тешикли қулоқчаларга эга. Юритма томондаги қопқоқ 13 да эса яна бир қулоқча бўлиб, унга узатма тасмасини таранглик даражасини ростлаш планкаси маҳкамланади. Ҳар иккала қопқоқ статор ўзаги билан биргаликда учта винт билан бир-бирига тортилган. Генератор валига шпонка ёрдамида парракли шкив ўрнатилган. Парраклар 14 қопқоқлардаги шамоллатиш дарчалари орқали ҳаво оқимини ўтказиб генератор чулғамларини ва тўғрилагич блокидаги диодларни совутиб туради.

Хозирги замон автомобил генераторларида асосан икки турдаги тўғрилагич блоклари ишлатилмоқда:


а) алюминий ёки унинг қотишмаларидан тайёрланган шина – иссиқлик тарқатгичга прессланган ёки кавшарланган яrim ўтказгичли диодлардан ташкил топган тўғрилагич;

б) кучли даражада қовурғалangan қобиққа кавшарланган таблеткасимон диодлардан ташкил топган тўғрилагич.

Биринчи турдаги тўғрилагичлар тоифасига Россия автомобилларининг генераторларида кенг татбиқ топган БПВ белгили тўғрилагич блоки киради. Генератор қопқоғига ўрнатилган БПВ тўғрилагич блоки (10-расм) учта тўғри ўтказувчан диодлар 3 прессланган, яrim айланана мусбат шина 5 ва учта тескари ўтказувчан диодлар 2 прессланган, яrim айланали манфий шина 1 дан иборат.

Алюминийдан тайёрланган шиналар бир-биридан тўла изолятсия қилинган бўлиб, улар ток ўтказгич ва диодлар қизиб кэтишдан сақловчи иссиқлик тарқатгич вазифасини бажарадилар. Тўғрилагич блокининг кремнийли диодлари ўзаро уч фазали, иккита яrim даврли, қўприк схемаси бўйича уланган. Диодлардан чиқсан учлар, шиналардан изолятсия қилинган, винтли қисқичлар 4 га маҳкамланган бўлиб, уларга статор фаза чулғамлари 6 нинг иккинчи учлари уланади.

Иккинчи турдаги тўғрилагичларга мисол тариқасида «Магнети Марелли» (Италия) фирмасининг AA125P белгили генераторларига ўрнатилган тўғрилагич блокини келтириш мумкин. Бу тўғрилагичларда алюминий қотишмаларидан экструзия усули билан ясалган кучли қовурғалangan икки радиатор – иссиқлик тарқатгичлари, уларни бир-биридан ажратиб турувчи пластмассадан тайёрланган йиғиш тахтасига маҳкамланган. Таблеткасимон олтита катта қувватли яrim ўтказгичли диодлар контакт юзалари билан иссиқлик тарқатгичларга ва йиғиш тахтасининг металл шиналарига кавшарланган. Уйғотиш чулғамининг учта кам қувватли диодлари алоҳида блокга бирлаширилган бўлиб, улар йиғиш тахтасининг тегишли шиналарига кавшарланади.



10-расм. 37.3701 генератори

32.3701 (Г250) белгили генераторининг турли русимли автомобиллар учун мўлжаланган 16.3701, 19.3701, 29.3701 қўринишлари (модификациялари) мавжуд. Бу генераторларнинг ҳаммасида номинал кучланиши 14В, умумий тузилиш - бир хил. Улар бири-биридан юритма шкивининг ўлчамлари ёки уйғотиш чулғами учларини қопқоқга чиқариш услуби билан фарқ қиласди. 32.3701 генераторининг номинал кучланиши 28В бўлган ва асосан дизилдвигателли автомобилларда ишлатиш учун мўлжалланган 3812.3701, Г272, Г273 қўринишлари ҳам бор.

ВАЗ 2101, 2103, 2106 автомобилларида ўрнатилган Г221 генератор 32.3701 дан статоридаги ариқчаларнинг сони икки баравар кўплиги ( $z=36$ ) билан фарқ қиласди. Статорнинг чулғамлари икки қатламли бўлиб, тўлқинсимон усулда ўралган ва унинг ҳар бир ғалтаги бир йўла учта тишчани қамраб олган. Фаза чулғамлари "юлдуз" схемаси бўйича уланиб, нол нуктаси аккумулятор заряд қилинишини кўрсатадиган назорат релесининг лампасасига уланган. Бу назорат лампачалари ВАЗ автомобилларида амперметр ўрнида ишлатилади.

ВАЗ-2109 автомобилларига ўрнатилаётган 37.3701 генераторлари, замонавий генераторларда татбиқ қилинган техник янгиликларнинг кўпчилигини ўзида мужассамлаштирган. 37.3701 генераторлари (10-расм) БПВ 11-60-02 белгили тўғрилагич блоки ва 17.3702 (Я112) белгили кичик ўлчамли – интеграл кучланиш ростлагичини ўз ичига олади ва амалда генератор қурилмаси вазифасини бажаради, яъни уч фазали ўзгарувчан ток ишлаб чиқаради, ўзгармас токга айлантиради ва уни белгиланган кучланиш чэгарасида ростлаб туради.

Генератор статори 5 ички юзаси бўйлаб оралиғи бир хил бўлган 36 та ариқчага (пазга) эга. Ариқчаларга, уч фазали "кўш юлдуз" схемаси бўйича уланган, статор чулғамлари жойлаштирилган. Унинг ҳар бир фазаси иккита дан паралел тармоқ-дан иборат бўлиб, тармоқларнинг ҳар бири олтитадан кетма-кет, узлуксиз ўралган ғалтакларга эга.

Ротор 4, тарамланган вал 3 га прессланган иккита ярим бўлак ўзакдан иборат бўлиб, улар бир бутун қилиб ишланган олтитатадан тумшуқсимон кутбларга ва ярим втулкаларга эга. Иссикқа чидамли ПЕТВ-1 белгили сирланган мис симдан ўралган уйғотиш чулғами пластмасса каркасга, ротор ўзакларининг орасига, уларнинг ярим втулкаларига ўрнаштирилган. Уйғотиш чулғамининг учлари мис контакт ҳалқалар 2 га пайвандланган.

Алюминий қотишмаларидан қуйилган генератор қопқоқлари 8, 16 га зўлдирили подшипниклар 10, 17 ўрнатилган. Подшипнинг ташқи ҳалқаси айланиб кэтиши ва натижада қизиб, тез ишдан чиқишини олдини олиш мақсадида унга резина ҳалқа кийфизилган.

Генератор қопқоғи 16 га ўрнатилган тўғрилагич блоки 14 одатдагилардан схемасидаги олтида диодга қўшимча яна учта тўғри ўтказувчан диодлар борлиги билан фарқ қиласи. Бу диодлар орқали уйғотиш чулғамига генератордан ток берилади.


Автомобил электрон асбобларини, кучланишнинг назарга олинмаган имимпульсларидан сақлаш мақсадида генераторнинг мусбат қутби билан қобиғи (яъни "масса") орасига конденсатор 15 (10-расм) уланган.

Иккита мис-графитли, ЕГ51 белгили чўткалар ўрнатилган чўткатутқич 1 ва интеграл кучланиш ростлагичи битта пластмасса қобиқ ичига жойлаштирилган бўлиб, у генераторнинг контакт ҳалқалар томонидаги қопқоғига маҳкамланган. қопқоқ 16 нинг қулоқласи 13 га темир сим билан мустаҳкамланган резина втулка қўйилиб, у генератор билан двигателни эластик боғланишини таъминлайди ва қулоқчаларни дарз кэтишидан ёки синишдан сақлайди.

Валга сеGМентли шпонка 9 воситаси билан ўрнатилган марказдан қочма вентилатор 11, қопқоқлардаги дарчалар орқали генератор чулғамлари ва тўғрилагич блокини совитиб туриш учун хизмат қиласи.


"ЎзДЕУавто" автомобилларига (ТИКО, ДАМАС, НЕКСИЯ ) Делсо Ремй фирмасининг СС-121 ва СС-130 белгили ўзгарувчан ток генераторлари ўрнатилган. ТИКО ва ДАМАС автомобилларига ўрнатилган генераторларнинг статор чулғамлари "юлдуз" схемаси бўйича, НЕКСИЯ автомобилларида эса "учбурчак" схемаси бўйича уланган.

НЕКСИЯ автомобилига ўрнатилган СС-130 белгили генератор (11-расм) икки хил совитиши тизимиға эга. Юритма шкивидаги марказдан қочма вентилатордан ташқари ротор валининг контакт ҳалқалари жойлаштирилган томонга қўшимча «олмахон фидираги» туридаги (11-б расм) марказдан қочма пластмасса вентилатор ўрнатилган. Бу статор чулғамларининг совитиши шароитларини анча яхшилайди.



11-расм. Делко Реми фирмасининг СС-130 белгили генератори:

- а) умумий кўриниши; б) ротор; с) тўғрилагич блоки; д) кучланиш ростлагичи ва чўтка тутқич; 1- мусбат иссиқлик тарқатгич; 2-манфий иссиқлик тарқатгич



12-расм. BOSH фирмасининг компакт генератори:

- 1-шкив, 2,6-олдинги ва кетинги қопқоқлар, 3-вентилаторлар, 4-статор, 5-ротор, 7-чўткатутқич-кучланиш ростлагичи бирлаштирилган тугун, 8-химоя қобиғи, 9-контакт ҳалқалар, 10-тўғрилагич блоки, 11-маҳкамлаш қулоғи

Умуман, замонавий автомобилларда совитиш парраклари ички қисмига жойлаштирилган генераторлар тобора кенг жорий қилинмоқда. Улар компакт конструкцияли генераторлар (12-расм) деб юритилади ва анъанавий тузилишга эга бўлган генераторлардан асосан қуйидагилар билан фарқланади:

а) иккита совитиш парраклари генератор корпусининг ичига жойлаштирилиб, улар ротор валининг иккала томонига ўрнатилади. Бу совитувчи ҳаво оқимини анча кучайишига ва генератор ўлчамларини ўзгартирган ҳолда қувватини 10...12% га ошириш имконини беради;


б) контакт ҳалқалари, чўткатутқич ва чўткалар, кучланиш ростлагичи ва тўғрилагич блоки генераторнинг ички қопқоғидан ташқарига жойлаштирилади ва маҳсус химоя қобиғи билан беркитилади. Бу генератор корпуси ўлчамларини, контакт ҳалқалар диаметрини кичрайтириш, подшипникларни совитиш шаротларини яхшилайди;

с) компакт генератор юритмаси эластик поликлин тасма воситасида ротор валига ўрнатилган кўп жилғали ва диаметри кичрайтирилган шкив

орқали амалга оширилади. Узатманинг узатиш нисбати 3,5 гача орттирилган ва бу двигател салт ишлаган ҳолларда ҳам аккумуляторлар батареясини заряд қилиш имкониятини беради.

**Контактсиз (чўткасиз) ўзгарувчан ток генераторлари.** Контакт ҳалқалари ва чўткалари бўлмаган ўзгарувчан ток генераторлари бошқа турдаги генераторлардан ўзининг ишончлилик ва чидамлилик даражасининг юқорилиги билан ажralиб туради. Бу туркумдаги генераторларнинг хизмат муддати факат подшипниклар ейилиши ва чулғамлар изолятсияси эскириши билан чекланади. Контактсиз генераторлар оғир шароитда, яъни чанг - тўзон кўп бўладиган карерларда, йўлсизлик шароитида ишлайдиган автомобиллар учун айниқса зарур.


Контактсиз генераторларнинг индукторли ва қисқартирилган тумшуқсимон қутбли шакллари мавжуд. Бу туркумдаги генераторларнинг умумий томони шундан иборатки, уларда уйғотиш чулғами қўз-ғалмас бўлади, фарқи эса, уйғотиш чулғами ўрнатилган жой билан боғлиқ. Масалан, индукторли генераторларда (13-расм) уйғотиш чулғами роторнинг ён томонида, қопқоқقا маҳкамланган втулкага ўрнатилган бўлса, қисқартирилган тумшуқсимон қутбли генераторда (14-расм), маҳсус мосламалар ёрдамида, роторнинг иккита ярим ўзагининг ўртасига жойлаштирилади.




13-расм. Индукторли генераторнинг конструктив схемаси

Индукторли генераторлар қуйидагича ишлайди. Уйғотиш чулғами 1 дан ўзгармас ток ўтиши натижасида ҳосил бўлган магнит оқими ротор айланганда катталигини ҳам, ёъналишини ҳам ўзгартирмайди. Бу оқим втулка 2 ва вал 3 орасидаги ҳаволи тирқиши, тищчалари юлдузча кўринишида ишланган ротор 4, ротор ва статор орасидаги ҳаволи тирқиши, статор ўзаги 5, қопқоқ 6 орқали яна втулка 2 га туташади. Ротор айланганда ундаги тищчаларнинг статор тищчаларига нисбатан ҳолати ўзгаради ва статор тищчаларидан ўтаётган магнит оқими максимал қийматдан (ротор ва статор тищчаларининг ўқлари мос келганда) минимал қийматгacha (статор тищчалари билан ротор ариқчаларининг ўқи мос келганда) ўзгаради. Статор тищчаларидаги магнит оқимининг ўзгариши унинг чулғамларида ўзгарувчан ЭЮК индукцияланишига олиб келади.

Қисқартирилган түмшүксимон қутбلى генераторларда (14-расм) уйғотиш чулғами 4 роторнинг иккита ярим ўзаги 2, 3 орасидаги тирқишдан туширилган күзгалмас номагнит диск 1 га ўрнатилган. Уйғотиш чулғамидан ток ўтганда, унинг атро-фида ҳосил бўлган магнит майдони таъсирида роторнинг түмшүксимон қутбلى ярим ўзаклари магнитланади. Ротор айланганда унинг атрофидаги магнит майдонининг куч чизиқлари (магнит оқими) статор чулғамларини кесиб ўтади ва уларда ўзгарувчан ЭЮК индукциялади. Бу генераторлар содда тўзилиши билан ажралиб туради. Ўлчамлари нисбатан катталиги ва уйғотиш чулғамини бикр маҳкамлаш қийинлиги бу турдаги генераторларнинг камчилиги ҳисобланади.



14-расм. Түмшүксимон, қисқартирилган қутбلى генераторнинг конструктив схемаси



15-расм. Делко-Реми фирмасининг (АКШ) контактсиз генератори:  
1—шкив, 2—вентилатор, 3—күзғалмас магнит ўтказгич ўрнатилган қопқоқ, 4—номагнит ҳалқа,  
5—күзғалмас уйғатиш чулғами, 6—кўнғироқсимон ротор қутбининг валга маҳкамланган ярми,  
7—орқа қопқоқ, 8—кучланиш ростлагичи, 9—тўғрилагич блоки, 10—маҳкамлаш қулоғи,  
11—статор, 12—ротор қутбининг номагнит ҳалқа орқали кавшарланган ярми

## **Кучланиш регуляторлари**

**Генератор кучланишини ростлаш асослари.** Автомобил генератори ўзига хос шароитларда ишлайди. У ҳаракатни тасмали узатма орқали двигателнинг тирсакли валидан олганлиги сабабли, роторининг айланишлар частотаси ва демак, ишлаб чиқарган кучланиши ҳам нисбатан кенг доирада ўзгариб туради. Генераторнинг юкламаси унга уланаётган истеъмолчилар сони ва уларнинг қувватига қараб ўзгариб туради. Юклама токининг ўзгариши ҳам генераторнинг кучланишига таъсир кўрсатади. Автомобилга ўрнатилган электр токи истеъмолчилари кучланишнинг маълум белгиланган (12 ёки 24 В), ўзгармас қийматида ишлашга мўлжалланган. Юқорида келтирилган сабабларга кўра, генератор ишлаб чиқсан кучланишни ростлаб, уни белгиланган даражада ўзгармас ҳолда сақлаш зарурати туғилади. Бу вазифани кучланиш ростлагичлари бажаради. Ишлаш принципига қўра ростлагичлар қуидаги гурухларга бўлинади: контактли (вибрацияли), контакт-транзисторли, контактсиз-транзисторли ва интеграл.


Амалий ростлагичларда этalon сигнал сифатида кучланиш билан бир қаторда ўзининг қийматини етарли даражада барқарор сақлаб турадиган физик катталик, масалан пружинани тортиш кучи ишлатилиши мумкин.

**Электромагнит кучланиш ростлагичлари.** Рус артиллерия оғитсери М.И.Карманов томонидан 1881 йилда таклиф қилинган электромагнит (вибрацияли) кучланиш ростлагичлари асосан ўзгармас ток генераторлари билан ишлатилган. Электр таъминот тизимида ўзгарувчан ток генераторларига ўтилиши билан ишончлилиги ва ишлаш муддати юқори бўлган электрон кучланиш ростлагичлар электромагнитли ростлагичларни тоборо сиқиб чиқармоқда. Электромагнитли ростлагичлар тузилишининг содалиги ва нисбатан арzonлиги туфайли ҳозирги кунда ҳам баъзи энгил автомобилларида (ВАЗ-2101...ВАЗ-2106) татбиқ топмоқда.

Электромагнитли кучланиш ростлагичининг схемаси 16-расмда берилган. Унинг магнит тизими У шаклидаги ярмо 8, чулғам 7 ўралган ўзак 3 ва якорча 4 дан иборат. Ўзак, ярмо ва якорча юқори магнит ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган кам углеродли пўлатлардан тайёрланган. Чулғам 7 генераторнинг тўла кучланишига уланган. Пружина 6 якорча 4 ни тортиб, контактлар 2 ни туташ ҳолда ушлаб туради. Ростлагичнинг волframдан тайёрланган контактлари 2 якорча ва ярмо орқали генераторнинг уйғотиш чулғами УЧ занжирига кетма-кет уланган. Контактларнинг бири якорча 4 га, иккинчиси эса қўзғалмас пластина 1 га маҳкамланган. Контактларга параллел, уйғотиш чулғамига эса кетма-кет қўшимча қаршилик  $P_k$  уланган. Якорча 4 термобиметалл пластина (ТБП) 5 га жойлаштирилган. Электромагнит кучланиш ростлагичларида этalon катталик вазифасини пружина 6 нинг тортиш кучи, ўлчов элементи вазифасини эса генератор ишлаб чиқсан кучланишдан таъсирланувчи ростлагичнинг чулғами 7 бажаради.

**Ростлагичнинг ишлаш принципи.** Ўт олдириш қалити ЎОҚ уланганда ток аккумуляторлар батареясидан туташ контактлар 2, якорча 4, ярмо 8, яъни қаршилиги кам бўлган занжир орқали уйғотиш чулғамига келади ва унинг

атрофида магнит майдонни ҳосил қиласи. Айни вақтда ток электромагнитнинг чулғами 7 га ҳам келади ва ўзак 3 ни магнитлайди. Генераторнинг кучланиши  $U_G$  белгиланган ростланиш кучланиши  $U_P$  дан кам бўлганда ( $U_G < U_P$ ), пружина 6 контактлар 2 ни туташ ҳолда ушлаб туради, чунки ўзак 3 да ҳосил бўлган магнит майдонининг якорни тортиш кучи пружинани тортиш кучидан кам бўлади. Роторнинг айланишлар частотаси ортиши билан генераторнинг кучланиши ҳам ўсиб боради. Генератор кучланишининг ортиши ростлагичнинг чулғами 7 даги ток кучини ҳам ортишига ва ўзак 3 ни кучли магнитланишига олиб келади. Бу жараён давом этиб, генератор кучланиши  $U_G$  нинг қиймати ростланиш кучланиши  $U_P$  дан ( $U_G > U_P$ ), ортган, яъни ўзак 3 магнит майдонининг тортиш кучи пружина 6 нинг тортиш кучидан ортган вақтда контакт 2 узилади.



16-расм. Электромагнит кучланиш ростлагичи:  
а) ростлагич схемаси, б) генератор кучланишини айланишлар частотасига боғлиқлиги

Контакт 2 узилиши билан генераторнинг уйғотиш чулғами занжирига кетма-кет қўшимча қаршилик  $R_s$  уланади, натижада уйғотиш чулғамидан ўтаётган ток миқдори кескин камаяди. Бу эса ўз навбатида, уйғотиш чулғами атрофидаги магнит оқимининг сусайишига ва генераторнинг статор чулғамларида индукцияланаётган ЭЮК қиймати, демак кучланишнинг тахминан 0,1-0,4 В га камайишига олиб келади. Генератор кучланишининг пасайиши билан ростлагич чулғами 7 дан ўтаётган ток ва ўзак 3 даги магнит майдоннинг тортиш кучи камаяди ва натижада пружина 6 нинг тортиш кучи таъсирида ростлагич контактлари яна туташади. Ток уйғотиш чулғамига яна қаршилиги кам бўлган занжир, яъни якорча ва ярмо орқали узатилади, уйғотиш чулғамидан ўтаётган ток ортади, унинг атрофида ҳосил бўлаётган магнит оқим кучаяди ва, демак, генераторнинг кучланиши яна ўсади. Генератор кучланишининг ўсиши ростлагич чулғамидан ўтаётган ток кучини оширади, ўзакнинг магнитланиши кучаяди ва у яна якорчани ўзига тортиб, контактларни узади. Шундай қилиб, электромагнит ростлагич ишлаётганда унинг контактлари даврий равишда туташиб-узилиб туради ва роторнинг айланишлар частотасига боғлиқ ҳолда, уйғотиш токининг қийматини

ўзгартириб туради. Генераторнинг кучланиши эса ўзининг ўртача қиймати атрофида ўзгаради (16-б расм).

$$U_{o'rt} = \frac{(U_{\max} + U_{\min})}{2}$$

Агар контактларнинг туташиш-узилиш частотаси бир секундда 30 мартадан кам бўлмаса, кучланишнинг тебраниши амалда сезилмайди ва у белгиланган ўзгармас қийматга эга дэган тасаввур ҳосил қиласа бўлади.

Генератор кучланишининг ўртача қиймати  $U_{\dot{y}pm}$  ни контактларнинг узилиш шарти, яъни ўзакнинг магнит кучи  $F_m$  билан, пружинанинг тортиш кучи  $F_{np}$  ларнинг тенглиги асосида аниқлаш мумкин:

$$F_m = F_{np}$$

Ўзакнинг магнит тортиш кучи

$$F_m = c_1 \Phi^2$$

бу ерда  $c_1$  - пропорционаллик коэффициенти,  $\Phi$  - ростлагич ўзагидаги магнит оқими.

Магнит занжирига тааллуқли Ом қонунига кўра

$$\Phi = \frac{\Theta}{R_M} = \frac{\Theta}{C_2 \delta}$$

Бунда  $\Theta$  – ростлагич чулғамининг ўзакни магнитловчи магнитюргизувчи кучи,  $R_M$ ,  $c_2$ ,  $\delta$  – ростлагич ўзаги ва якорча орасидаги тирқиш  $\delta$  га пропорционал бўлган магнит қаршилик,  $c_2$  - пропорционаллик коэффициенти.

Демак,

$$F_{pr} = F_m = c_1 \Phi^2 = \frac{c_1 \Phi^2}{c_2 \delta^2}$$



белгилаш киритиб, ростлагичнинг асосий тенгламасини қўйидаги қўринишга келтирамиз :

$$\Theta = c \delta \sqrt{F_{pr}}$$

Юқорида айтилганидек, ростлагич чулғами генераторга параллел уланган ва унга генераторнинг ростланаётган кучланиши узатилади. Демак, ростлагич чулғамининг магнит юргизувчи кучи

$$\Theta = i_o \omega_o = \frac{U_{o'rt}}{r_o} \omega_o$$

Бунда  $U_o$  - чулғамдан ўтаётган ток,  $\omega_o$  - чулғамдаги ўрамлар сони,  $r_o$  - чулғам қаршилиги.

Энди  $\Theta$  ифодасини юқоридагига қўйсак

$$\frac{U_{o'rt}}{r_o} \cdot \omega_o = c \cdot \delta \cdot \sqrt{F_{pr}}$$

Бу тенгламани  $U_{\dot{y}pm}$  га нисбатан ечсак, генераторнинг ростланаётган кучланишининг асосий тенгламасини ҳосил қиласиз

$$U = c \frac{r_o}{\omega_o} \cdot \delta \cdot \sqrt{F_{pr}}$$


Юқоридаги ифодадан кўриниб турибдики, агар ростлагич чулғами қаршилиги  $r_o$  ни температура таъсирида ўзгариши ҳисобга олинмаса, генераторнинг ростланаётган кучланиши фақат ўзак билан якорча орасидаги тирқиш  $\delta$  ва пружинанинг тортиш кучи  $F_{np}$  га боғлиқ бўлади.

Демак, генераторнинг ростланаётган кучланиш қийматини ўзгартириш учун ёки пружинани тортиш кучи  $F_{np}$  ни (асосий усул), ёки ҳаволи тирқиш  $\delta$  ни ўзгартириш зарур.

**Ростлагич қуйидагича ишлайди.** Ўт олдириш калити ЎОК уланганда уйғотиш токи қуйидаги занжир бўйича ўтади: генераторнинг мусбат қисқичи (+) - ЎОК – ростлагичнинг (15) белгили қисқичи - дроссел ( $Dr$ ) нинг ўзаги - биринчи босқич контактлари  $K1$  - якорча 2 - ярмо - ростлагичнинг ва генераторнинг (67) белгили қисқичи - уйғотиш чулғами (УЧ) - қобиқ - генераторнинг манфий қисқичи (-).

Генератор кучланиши белгиланган ростланиш қийматига этганда, ростлагич чулғами РЧ ўзагида ҳосил бўлган магнит майдоннинг тортиш кучи пружинанинг тортиш кучини энгиб,  $K1$  контакт ларни узади. Контактлар узилганда, уйғотиш токи  $K1$  контактларга параллел уланган дроссел  $Dr$  чулғами ва қўшимча қаршилик  $R_k$  орқали ўтишга мажбур бўлади ва унинг қиймати кескин камаяди. Уйғотиш токининг камайиши генератор кучланиши, демак, ростлагич чулғамига узатилаётган кучланишнинг пасайишига олиб келади. Натижада, ростлагич ўзагидаги магнит майдон кучсизланади ва  $K1$  контактлар пружинани тортиш кучи таъсирида яна туташади, генераторнинг кучланиши эса ўса бошлайди. Бу жараён узлук сиз давом этади. Хуллас, биринчи босқичда икки босқичли ростлагич оддий бир жуфт kontaktli ростлагич каби ишлайди. Биринчи босқич контактлари  $K1$  нинг ишлаш чэгараси генераторнинг айланишлар частотаси доирасининг тахминан ярмини эгаллайди (17-расм). Роторнинг айланишлар частотаси бундан кейин янада ортиб, маълум қийматга этганда (масалан,  $n_{rpm}$ ) уйғотиш занжиридаги қўшимча қаршилик  $R_k$  нинг қиймати уйғотиш токини пасайтиришга етмай қолади. Чунки, контактлар орасидаги учқун кучини камайтириш мақсадида уйғотиш занжирига атайлаб қиймати 10-15 марта камайтирилган қаршилик уланади.

Натижада роторнинг айланишлар частотаси  $n_{rpm}$  дан ошганда  $K1$  контактлар бутунлай очилиб қолади ва генераторнинг кучланиши ўса бошлайди. Генераторнинг кучланиши биринчи босқичда ростланган кучланиш қийматидан 0,4 - 0,7 В га ортганда, табиий равишда ростлагич чулғамида ҳам кучланиш қиймати ортади, ўзакдаги магнит майдон янада зўрайди ва якорчани пастга кучлироқ тортиб, иккинчи жуфт kontaktlar  $K2$  туташтиради.  $K2$  контактлар туташиши уйғотиш токини бирданига нолгача камайишига олиб келади, чунки уйғотиш чулғамининг иккинчи учи ҳам ярмо, якорча ва  $K2$  kontaktlar орқали "масса" га уланиб қолади.



17-расм. Генераторнинг икки босқичли ростлагич билан ишлагандаги тавсифномаси

Уйғотиш токининг нолга тушиб қолиши генератор кучланишини ҳам кескин камайишига олиб келади, натижада ростлагич чулғамидағи кучланиш ҳам камаяди ва  $K2$  контактлар яна узилади. Уйғотиш токи уйғотиш чулғамига, дроссел  $Dp$  чулғами ва құшимча қаршилик  $R_k$  орқали ўта бошлайды. Демак, иккинчи босқичда ток уйғотиш чулғамига бир гал бутунлай бормайды (контактлар  $K2$  туташ) ёки дроссел чулғами  $Dp$  ва құшимча қаршилик  $R_k$  орқали боради (контактлар  $K2$  узилган). Икки босқичли кучланиш ростлагичларини татбиқ қилиш бирданига иккита муаммони ҳал қилиш имконини беради. Бириңчидан, құшимча қаршилик қиймати кам бўлганлиги туфайли контактлар орасидаги кучланиш қиймати кескин камаяди ва ҳосил бўлаётган учқунларнинг узилиш қуввати анча пасаяди. Иккинчидан, узилиш қувватинининг пасайиши уйғотиш токинининг қийматини 2,6-2,7 А гача ошириш, демак, генераторнинг қувватини ортириш имконини беради.

### 1.3. Ўт олдириш тизими.

Ўт олдириш тизими, бензинли двигателнинг цилиндрларида ишчи аралашмани цилиндрларнинг ишлаш тартибига мос равища, ўз вақтида ва ишончли ўт олдириш учун хизмат қиласи. Ишчи аралашмани ўт олдириш, ҳар бир цилиндрнинг ёниш камерасига ўрнатилган ўт олдириш свечаси электродлари орасидаги электр разряд натижасида ҳосил бўладиган учқун воситаси билан амалга оширилади. Ўт олдириш свечаларининг электродлари орасида учқун ҳосил бўлиши уларга узатилган юқори кучланиш (~12000 В) таъсирида содир бўлади. Ишчи аралашмани ишончли ўт олдириш учун ўт олдириш свеча электродлари орасидаги учқунли разряд йетарли энергияга эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон двигателларида учқунли разряд энергияси 20-100 мДж ни ташкил қиласи ва у двигателни ҳамма иш режимларда меъёрида ишлашини таъминлайди.

Бензин двигателли автомобилларда, аккумуляторлар батареяси ёки генераторнинг паст кучланишини электр разряд ҳосил бўлиши учун йетарли бўлган қийматга кўтариш ва уни керакли дақиқада тааллуқли цилиндрнинг ўт олдириш свечасига узатиш имкониятини берувчи турли хил ўт олдириш тизимлари ишлатилади. Бу тизимлар учқунли разряд учун зарур энергияни

бевосита аккумулятор ёки генератордан эмас, балки оралиқ энергия түплагицдан олади. Түплагич турига қараб ўт олдириш тизимлари иккига бўлинади:

- энергияни магнит майдонда (индуктивликда) тўплаш;
- энергияни электр майдонда (сифимда) тўплаш.

Автомобил двигателларида, аксарият ҳолда, энергиянинг индуктив ғалтакнинг магнит майдонида тўплаш асосида ишлайдиган ўт олдириш тизимлари татбиқ топган бўлиб, уларнинг қуидаги турлари мавжуд:


- контактли;
- контакт-транзисторли;
- контактсиз-транзисторли;
- микропроцессорли.

Контактли тизим кўпинча батареяли ёки “классик” ўт олдириш тизими деб ҳам юритилади.

Ўт олдириш тизими (18-расм) асосан қуидаги қисмлардан ташкил топган:

**1. Ток манбаи** - аккумуляторлар батареяси ва генератор. Двигателни ишга тушириш жараёнида ва генератор ишлаб чиқаётган кучланиш номинал қийматдан (12В) кам бўлганда, ўт олдириш тизимининг ток манбаи вазифасини аккумуляторлар батареяси, қолган ҳолларда генератор бажаради.

**2. Ўт олдириш ғалтаги.** У ток манбайнинг паст кучланишини (12-14В), ўт олдириш свечаларининг электродлари орасида учқунли разряд ҳосил қилиш учун зарур бўлган юқори кучланиш имимпульсларига (12000-24000В) айлантириб беради.



18-расм. Ўт олдириш тизимининг умумий схемаси

1 – аккумуляторларлар батареяси; 2 - ўт олдириш калити; 3 - ўт олдириш ғалтаги;  
4 – узгич-тақсимлагич; 5 - конденсатор; 6 - ўт олдириш свечалари


**3. Узгич-тақсимлагич.** Узгич-тақсимлагич бир ўқقا ўтказилган икки механизм - узгич ва тақсимлагичдан иборат. Узгич, зарур дақиқада паст кучланиш занжирини узиш учун хизмат қилса, тақсимлагич - ўт олдириш ғалтагида ҳосил бўлган юқори кучланиш имимпульсларини ишлаш тартибига мос равишида ўт олдириш свечаларига етказиш вазифасини бажаради. Бундан ташқари, узгич - тақсимлагичга ўт олдиришни илгарилатиш бурчагини, двигателнинг ишлаш шароитига мос равишида ўзгартирувчи асблолар - марказдан қочма ва вакуум ростлагичлар, ҳамда октан-корректор ўрнаштирилган.

**4. Ўт олдириш свечалари.** Ўт олдириш свечалари двигател цилиндрларининг ёниш камерасида учқунли разряд ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

#### Контактли ўт олдириш тизими.

Автомобил транспорти тараққиётининг дастлабки босқичларида ишлаб чиқилган автомобилларда, ўт олдириш тизимининг ток манбаи вазифасини фақат аккумуляторлар батареяси бажарган. Кейинчалик аккумулятор билан параллел равишида генератор ҳам ишлатила бошланди. Лекин ҳозирги кунгача "батареяли ўт олдириш тизими" дэган атама кенг ишлатилмоқда. Бу 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида автомобилларда қўлланилган ягона ўт олдириш тизими бўлиб келди ва келгусида яратилган янги, такомиллашган ўт олдириш тизимларга асос бўлди. Натижада, бу тизим "классик ўт олдириш тизими" деб ҳам атала бошланди. Охирги вақтларда, яrim ўтказгичлар қўлланилган турли хил ўт олдириш тизимлари пайдо бўлиши муносабати билан батареяли (ёки классик) ўт олдириш тизими тузилишининг ўзига хос томонларини энг тўла акс еттирадиган "контактли ўт олдириш тизими" атамаси тобора кўпроқ ишлатилмоқда.

Контактли ўт олдириш тизимининг принципиал схемаси 19-расмда келтирилган ва у қўйидаги асосий элементлардан иборат: аккумуляторлар батареяси 1, ўт олдириш калити 2, ўт олдириш ғалтаги 5, бир ўқقا ўтказилган узгич-тақсимлагич 6-12, конденсатор 14 ва ўт олдириш свечалари 13.



19-расм. Контактли ўт олдириш тизимининг умумий схемаси

Үт олдириш ғалтаги ток манбанинг паст кучланишини юқори кучланишга айлантириб бериш учун хизмат қиласи да у үзакка үралган иккита чулғамдан иборат. Бирламчи чулғам ўрамлар сони кичик бўлиб, у нисбатан йўғон симдан, иккиламчи чулғам ўрамлар сони, аксинча жуда катта бўлиб у ингичка симдан үралади. Үт олдириш ғалтак чулғамлари автотрансформатор схемаси бўйича уланган, яъни бирламчи чулғамнинг охири иккиламчи чулғамнинг бошига туташтирилган.

Классик үт олдириш тизимидағи узгич - айланувчи кулачок 9, пишангчага ўрнатилган қўзғалувчи 7 ва массага уланган қўзғалмас контакт 8 лардан иборат механик мосламадир. Узгич кулачоклари қирраларининг сони двигател цилиндрлари сонига тенг. Пишангча ўз ўқи атрофида ҳаракатлана олади ва у, узгич кулачоклари қирраларига қадалиб турадиган текстолит ёстиқча билан таъминланган. Узгич кулачоги айланиб, контактларни навбатма-навбат узиб-туташтириб туради.

Тақсимлагич айланувчи ротор 11, тақсимлагич қопқоғига ўрнатилган қўзғалмас ён контактлар 12 ва марказий электроддан иборат. Ён контактлар цилиндрлар сонига тенг бўлиб, улар юқори волтли ўтказгичлар ёрдамида тааллуқли үт олдириш свечалари билан туташтирилган. Тақсимлагичнинг марказий электроди юқори волтли ўтказгич воситасида үт олдириш ғалтагининг иккиламчи чулғами билан уланган. Юқори кучланиш роторга марказий электрод орқали сирпанувчи кўмир контакт ёрдамида узатилади. Узгич кулачоги 9 ва тақсимлагич ротори 11 бир валга ўрнатилган бўлиб, ҳаракатни тишли узатма орқали двигателнинг газ тақсимлаш валидан олади ва демак, тирсакли валга нисбатан икки марта кичик тезлик билан айланади.

**Контактли үт олдириш тизимининг ишлаш принципи.** Үт олдириш калити 2 уланганда, ток аккумуляторлар батареяси 1 нинг мусбат қутби, үт олдириш калити 2, қўшимча қаршилик 4, үт олдириш ғалтаг 5 ининг бирламчи чулғами ва узгич контактлари 7, 8 (улар туташ бўлганда) орқали массага ўтади ва массадан батареянинг манфий қутбига қайтиб келади. Бирламчи чулғамдан ўтаётган ток унинг атрофида магнит майдон ҳосил қиласи. Майдон куч чизиқлари үт олдириш ғалтагининг ҳар иккала чулғамини кесиб ўтади ва ғалтак ўзаги орқали туташади. Айланаётган кулачок контактларни узганда, бирламчи чулғамдан ўтаётган ток занжири узилади ва натижада у ҳосил қилган магнит майдон катта тезлик билан йўқола бошлайди. Йўқолиб бораётган магнит майдон ҳар иккала чулғамда ўзиндукия ЭЮК ҳосил қиласи ва электромагнит индукция қонунига асосан унинг катталиги магнит майдоннинг йўқолиши тезлигига ва чулғамлардаги ўрамлар сонига тўғри пропорционал бўлади. Натижада, ўрамлар сони жуда кўп бўлган иккиламчи чулғамда, үт олдириш свечаси электродлари орасидаги тирқиши тешиб ўтишга етарли бўлган, 15000-20000 В кучланиш индукцияланади ва тақсимлагич ротори 11 орқали үт олдирилиши лозим бўлган навбатдаги цилиндрдаги свечага узатилади. Юқори кучланишли ток свеча электродлари орасидаги тирқишдан учқун сифатида ўтиб, масса, аккумуляторлар батареяси ва қўшимча қаршилик орқали үт олдириш ғалтагига қайтиб келади.

Контактлар узилганда, бирламчи чулғамда ҳам катталиги 200-400 В га етадиган, йўналиши бирламчи ток йўналишида бўлган ва унинг йўқолишига қаршилик қўрсатадиган ўзиндукия ЭЮКи ҳосил бўлади. Бу ЭЮКи, узгич контактлари узилганда, улар орасида кучли электр ёйини ҳосил қилиб контактларнинг куйишига ва уларнинг жуда тез ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Бу заарли жараённинг олдини олиш учун узгич контактларига параллел равишда конденсатор 14 уланади. Бу ҳолда бирламчи чулғамда ҳосил бўлган ўзиндукия ЭЮК конденсатор 14 ни зарядлайдиган ток ҳосил қиласди. Кейинги даврда конденсатор ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғами, қўшимча қаршилик 4 ва аккумуляторлар батареяси 1 орқали, яъни бирламчи ток йўналишига қарама-қарши йўналишда разрядланади. Шундай қилиб, узгич контактларига параллел уланган конденсатор, биринчидан контактлар орасида учқун ҳосил бўлишини деярли бартараф қилиб, контактлар ишлаш муддатини оширса, иккинчидан бирламчи занжирдаги токни ва демак, магнит майдонни йўқолишини тезлатиш ҳисобига иккиласми чулғамда индукцияланадиган юқори кучланишни маълум даражада ортиришга ёрдам беради.

Қўшимча қаршилик 4 двигателни ишга тушириш вақтида ўт олдириш тизимининг меъёрида ишлашини таъминлаш учун хизмат қиласди. Бизга маълумки, стартор уланганда (айниқса, қишида) аккумуляторлар батареясининг кучланиши белгиланган чэгарада, кескин камаяди. Натижада, аккумулятордан ток истеъмол қилувчи ўт олдириш ғалтагида индукцияланадиган юқори кучланиш қиймати ҳам камайиб кетади ва бу цилиндрлардаги ишчи аралашмани ўт олдиришда узилишларга олиб келиши мумкин. Бу ҳодисани бартараф қилиш мақсадида стартор уланиши билан бир вақтда ўт олдириш калити ёки стартор релесига ўрнатилган қўшимча контактлар 3 уланиб, қаршилик 4 қисқа туташтирилади. Шу тарзда, двигател стартор ёрдамида ишга туширилаётган вақтда, ток аккумулятордан ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғамига қўшимча қаршилик 4 орқали эмас, балки қўшимча контактлар орқали ўтади. Бу еса ўт олдириш ғалтагида талаб қилинган даражада юқори кучланиш индукцияланисини ва ўт олдириш тизими-нинг стартор уланган вақтда ҳам ишончли ишлашини таъминлайди.

### **Контакт транзисторли ўт олдириш тизими.**

Двигателларнинг такомиллаштириш йўналиши, уларнинг тежамлилигини ошириш ва 1 кВт қувватга тўғри келадиган массасини камайтириш билан бир қаторда, айланишлар частотаси ва цилиндрларда ёнилғи-ҳаво аралашмасини сикиш даражасини тобора ортиб бориши билан ҳам тавсифланади. Замонавий двигателларда айланишлар частотаси  $5000\text{-}8000 \text{ мин}^{-1}$  га этган, ёнилғи аралашмасининг сикиш даражаси ҳозирги кунда 7,0-8,5 ни ташкил қилаётган бўлса, келажакда бу кўрсаткични 9,0-10,0 ва ундан юқорироқ қийматларга кўтариш мўлжалланмоқда. Айланишлар частотаси ва сикиш даражасининг бу тарзда ортиши, ёнилғи меъёрида ўт олишини таъминлаш учун, ўт олдириш тизимининг иккиласми кучланишининг сезиларли даражада оширилишини талаб қиласди. Бундан ташқари, двигателлар тежамлилигини оширишга интилиш уларда, аксарият ҳолда, суюлтирилган ёнилғи аралашмасини

ишлатишига мажбур қиласи. Суюлтирилган ёнилғи аралашмасини ишончли равишида ўт олдириш учун ўт олдириш свечасининг электродлари орасидаги тирқиши катталаштириш, яъни учқун узунлигини ва қувватини ошириш керак бўлади. Ҳозирги замон двигателларида ўт олдириш свечасининг электродлари орасидаги тирқиши 0,8-1,2 мм ни ташкил қиласи. Демак, двигательнинг тежамли ишлашини таъминлаш учун ҳам иккиламчи кучланиш қийматини ошириш зарур.

Шундай қилиб, айланиш частотаси ва тирқиши даражаси катта бўлган тежамли ишлайдиган ҳозирги замон двигателларига ўрнатиладиган ўт олдириш ситэмасига анча юқори талаблар қўйилади. Хусусан:

- иккиламчи кучланиш қийматини ошириш билан бирга ишончлилик даражасини ва хизмат муддатини кўтариш;

- учқунли разряд энергиясининг қиймати, двигателнинг ҳамма режимларида ёнилғи аралашмасини ишончли ўт олдириш учун йетарли бўлиши керак ( $15\dots50\text{ мЖ}$  ва ундан ортиқ);

- турли хил эксплуатация шароитларида (ўт олдириш свечаларининг ифлосланиши, атроф-муҳит ҳароратининг ўзгариши, ток манбай кучланишининг камайиб-ортиши ва ҳоказо) барқарор учқун ҳосил бўлишини таъминлаш;

- ҳамма элементларнинг катта механик юкламалар таъсирида барқарор ишлашини таъминлаш.


Контактли (классик) ўт олдириш тизими юқоридаги талабларга кўп жиҳатидан жавоб бера олмайди. Чунки, унда иккиламчи кучланиши оширишнинг амалда ягона йўли - узилиш токи  $I_u$  қийматини оширишdir. Аммо узилиш токининг  $4,0-4,5\text{ A}$  дан ортиши, узгич контактлари куйишига ва тезда ишдан чиқишига олиб келади. Замонавий двига-телларда ўт олдириш жараёнининг ишончлилигини ошириш талаби янги турдаги ўт олдириш тизимларининг яратилишига олиб келди.

Ўт олдириш тизими авж олдирадиган иккиламчи кучланиши ошириш йўлларидан бири, бирламчи ток занжирни узиш учун бошқарувчи калит вазифасини бажарувчи ярим ўтказгич асбобларини ишлатишидир. Контакт-транзисторли ўт олдириш тизими, ярим ўтказгичлар ишлатилган биринчи тизимлар қаторига киради.

Контакт-транзисторли ўт олдириш тизими асосан қуидаги элементлардан иборат (20-расм): транзисторли коммутатор 6 (ТК-102), ўт олдириш ғалтаги 8 (Б114), узгич-таксимлагич 7, 9 (П4-Д, П13-Д, П133, П137 ва бошқа), резисторлар блоки 4, 5 (СЭ107).

Транзисторли коммутатор ўт олдириш тизимининг бирламчи занжирини унга узатилаётган сигналга мос равишида узиб-улаб туриш учун хизмат қиласи. Унинг таркиби катта қувватли германийли транзистор VT (ГТ701А), стабилитрон VD1 (Д817В), диод VD2 (Д226), имимпульс трансформатори IT, конденсаторлар C1 (1,0 мкФ) ва C2 (50мкФ), резисторлар R1 (1,0 Ом) ва R2 (200 Ом) киради. Транзистор VT нинг эмиттер-коллектор ўтиш жойи ўт олдириш

ғалтагининг бирламчи чулғами занжирига, базаси эса имимпульс трансформаторининг бирламчи чулғами орқали узгич б контактига уланган.



20-расм. Контакт-транзисторли ўт олдириш тизимиңнинг электр схемаси

**Тизим қуидагича ишлайди.** Ўт олдириш калити 2 уланиб ва узгич контактлари туташган ҳолда транзистор VT нинг эмиттер-база ўтиш жойидан қуидаги занжир бўйича бошқариш токи ўта бошлайди: аккумуляторлар батареяси 1 нинг мусбат қутби → ўт олдириш калити 2 → резисторлар блоки СЭ107 → ўт олдириш ғалтаги 8 нинг бирламчи чулғами → транзистор VT нинг эмиттер-база ўтиш жойи → имимпульс трансформатор IT нинг бирламчи чулғами W1 → узгич контактлари → "масса" → аккумуляторлар батареяси 1 нинг манфий қутби.

Бошқариш токи  $I_b$  нинг қиймати 0,8 А дан ортмайди. Двигател тирсакли валининг ва демак, узгич кулачогининг айланиш частотаси ортиши билан узгич контактларининг туташиб туриш вақти камайиши туфайли бошқариш токининг қиймати 0,3 А гача камаяди. Транзисторнинг эмиттер-база ўтиш жойидан бошқариш токи ўтиши натижасида транзисторнинг эмиттер-коллектор ўтиш жойининг қаршилиги кескин камаяди ва нолга яқинлашади. Транзистор VT очилади ва бирламчи занжир бўйлаб ток  $I_1$  ўта бошлайди: аккумуляторлар батареяси 1 нинг мусбат қутби → ўт олдириш калити 2 → резисторлар блоки СЭ107 → ўт олдириш ғалтаги 8 нинг бирламчи чулғами → транзистор VT нинг эмиттер-коллектор ўтиш жойи → "масса" → аккумуляторлар батареяси 1 нинг манфий қутби. Бирламчи ток  $I_1$  нинг қиймати 7-8 А ни ташкил қиласи ва тирсакли валнинг айланишлар частотаси ортиши билан 3,0 А гача камайиб боради.

Двигателни ишга тушириш жараёнида ўт олдириш тизими меъёрида ишлашини таъминлаш учун, стартор ток манбаига уланиб турган вақт давомида

тортиш релесининг контактлари воситаси билан резисторлар блоки СЭ107 даги қўшимча қаршилик 4 қисқа туташтирилади, яъни бирламчи ток занжиридан чиқариб турилади.

Узгич контактларининг ажралиши бошқариш токи  $I_b$  нинг занжири узилишига ва транзисторнинг эмиттер-коллектор ўтиш жойи қаршилиги кескин ортишига олиб келади. Транзистор ёпилади, бирламчи ток занжири узилади ва унинг таъсирида ўт олдириш ғалтагида ҳосил бўлган магнит майдон катта тезлик билан йўқола бошлайди. Йўқолиб бораётган магнит майдоннинг куч чизиклари ўт олдириш ғалтаги чулғамларини кесиб ўта бошлайди ва уларда ўзиндукция ЭЮК индукциялайди. Бирламчи занжиридан ўтаётган ток  $I_1$  нинг қиймати 7-8 А гача оширилганлиги туфайли иккиламчи кучланиш  $U_{2\max}$  нинг қиймати ҳам ортиб 25000-30000 В ни ташкил қиласи. Иккиламчи кучланиш занжири: ўт олдириш ғалтаги 8 нинг иккиламчи чулғами → тақсимлагич 9 → ўт олдириш свечаси 12 → "масса" → ўт олдириш ғалтагининг иккиламчи чулғами.

#### 1.4. Электрон ўт олдириш тизимлари


Контактли ўт олдириш тизими таркиби транзистор киритилиши, бу тизимга ҳос бўлган барча камчиликларни бартараф қилиш имкониятини бермайди. Хусусан, кўп цилиндрли двигателларда айланишлар частотасининг катта қийматларида узгич пишангчасининг дириллаш ҳодисаси руй бериб, бу бир сикл (яъни бир учқун ҳосил бўлиш учун ажратилган вакт) давомида контактларни кўп марта узилиб-туташишига олиб келади. Натижада, бир учқун ўрнига қуввати анча кам бўлган бир неча учқун ҳосил бўлади, ўт олдиришни илгарилатиш бурчагининг белгиланган қиймати ўзгариб кетади, ўт олдириш ишончли амалга оширилмайди. Бундан ташқари узгич контактларининг йейилиши, оксидланиши ва ифлосланиши ўт олдириш тизимининг ишончлилик даражасини пасайтиради. Контактлар оксидланиши, ифлосланиши ва мойлануб қолиши, уларнинг контакт қаршилиги ортиб кэтишига ва транзисторнинг бошқариш токи  $I_b$  қийматининг камайиб кэтишига олиб келади. Бу транзисторни очилмаслик ва ўт олдириш тизимининг ишламаслик ҳолларини вужудга келтиради. Ишлатиш даврида қўшимча меҳнат ва вақт сарф қилиб, мунтазам равишда, узгич контактларининг туташиб туриш бурчагини ростлаб туриш эхтиёжи ҳам контакт-транзисторли ўт олдириш тизимининг камчиликларига киради.

Замонавий автомобилларда кенг татбиқ етилган kontaktсиз-транзисторли ўт олдириш тизимлар юқорида келтирилган камчиликлардан ҳолидир. Бу ўт олдириш тизимнинг асосий фазилати уларда узгич контактларининг йўқлигидир. Унинг вазифасини kontaktсиз датчиклар бажаради. Kontaktсиз-транзисторли ўт олдириш тизимлари бир-биридан асосан датчикларнинг тури ва тузилиши билан фарқ қиласи.

Магнитоэлектр датчик (21-расм) узгич-тақсимлагич 2 валига ўрнатилган доимий магнит 3 ва ўзакка ўралган статор чулғами 4 дан иборат. Доимий магнит айланганда унинг магнит майдон таъсирида статор чулғамида

ўзгарувчан ЭЮК индукцияланади. Датчик кучланишининг мусбат ярим даври қиймати таъсирида транзистор 5 очилади ва аккумуляторлар батареяси 8 дан ўт олдириш ғалтаги 6 нинг бирламчи чулғами ҳамда транзисторнинг коллектор-эмиттер ўтиш жойи орқали бирламчи ток  $I_1$  ўта бошлайди. Датчик кучланиши манфий бўлганда транзистор ёпилади, ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғамидан ўтаётган ток занжири узилади ва иккиламчи чулғамда юқори кучланиш индукцияланади.

Шундай қилиб датчик магнити бир айланганда чулғам 4 да ЭЮК нинг битта мусбат ва битта манфий имимпульси мавжуд бўлади ва натижада транзистор бир марта очилиб, бир марта ёпилади, яъни ўт олдириш ғалтагида юқори кучланишнинг бир имимпульси ҳосил бўлади. Кўп цилиндрли двигателлар учун датчикнинг жуфт магнит кутблар сони цилиндрлар сонига teng бўлиши керак. 21-расмда 4 цилиндрли двигателлар учун мўлжалланган магнитоэлектр датчикнинг схемаси келтирилган.



21-расм. Магнитоэлектр датчили контактсиз-транзисторли ўт олдириш тизими

### **Назорат саволлари**

1. Электр жиҳозларининг қандай схемалари мавжуд?
2. Кучланиш ҳосил қилувчи генераторнинг асосий элементларини санаб беринг?
3. Ўт олдириш тизимлари қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?
4. Контактли ўт олдириш тизими қандай элементлардан ташкил топган ва уларнинг вазифалари?
5. Контактли ўт олдириш тизими қандай камчиликларга эга?
6. Контакт-транзисторли ўт олдириш тизимининг ишлаш присипини тушунтиринг.

7. Контакт-транзисторли ўт олдириш тизими қандай афзаллик ва камчиликларга эга?

8. Контактсиз-транзисторли ўт олдириш тизимининг ишлаш принципини тушунтиринг ва ўзига хос томонларини изоҳланг.

9. Замонавий электрони ўт олдириш тизимларида қулланилаётган контактсиз датчикларни ўзига хос томонларини тушунтиринг.

10. Микропроцессорли ўт олдириш тизимини ишлаш принципи ва афзалликларини тушунтиринг.

11. Ўт олдириш свечаларининг тузилишини тушунтиринг ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган материалларни изоҳланг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Махмудов Г.Н. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. – Т.: Истиқлол, 2000. – 206 б.
2. Махмудов F.Н. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. Дарслик. 2-чи нашр. – Т.: Ношир, 2011. – 304 б.
3. Ютт В.Э. "Электрооборудование автомобилей". Учебник для студентов высших учебных заведений, 4-е издание. – М.: Транспорт, 2006. – 440 с.
4. Tom Denton. Automobile Electrical and Electronic Systems. Fourth Edition. – New York: Routledge, 2012. 703 p.

## **2-мавзу: Двигателни электрон бошқариш тизимлари. Автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимлари**

### **Режа:**

- 2.1. Двигателни электрон бошқариш тизимлари.
- 2.2. Шассини электрон бошқариш тизимлари.
- 2.3. Автомобилни электрон бошқариш тизимлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** электрон ёнилғи пуркаш тизими, микропроцессор, K-jetronic, KE-jetronic, L-jetronic ёнилғи пуркаш тизимлари, датчиклар, бошқариш блоки, ёнилғи узатиш тизими, дроссел заслонкаси, форсунка.

### **2.1. Двигателни электрон бошқариш тизимлари**

Ички ёнув двигателларининг таъминлаш тизимида ёнилғи аралашмасини тайёрлаш сифати двигателларнинг қувватига, буровчи моментига ва ёниб бўлган чиқинди газларнинг таркибига таъсир кўрсатди. Карбюраторли ёнилғи таъминлаш тизими бир вақтнинг ўзида қувватни, моментни оширган ҳолда ёнилғи тежамкорлигини ошириш ва чиқинди газларни заарсизлиги бўйича қўйиладиган талабга жавоб берадиган.

Карбюраторли двигателларнинг таъминлаш тизимининг асосий *камчилиги* куйидагидан иборат:

- цилиндрлар сонини карбюратордан ҳар хил масофада жойлашган.
- ёнилғи аралашмаси карбюраторда тайёрланади ва цилиндрларга тайёр аралашма узатилади.

Бу камчиликлар натижасида цилиндрларга ҳар хил таркибдаги ёнилғи аралашмаси этиб боради ва ёнилғи сарфи ошади.

Бу камчиликларни йўқотиш учун ёнилғи аралашмасини ҳар бир цилиндр олдида тайёрлаш керак бўлади.

Замонавий автомобил двигателларида ҳар бир цилиндрнинг киритиш клапанлари яқинида ёнилғи аралашмасини тайёрлайдиган электрон ёнилғи пуркаш тизими қўлланилади.

Электрон ёнилғи пуркаш тизими куйидаги *афзалликларга* эга:

- тезкор, сабаби рақами микропроцессор бошқаради;
- ёнилғи аралашмаси аниқ таркибга эга;
- ёнилғи аралашмасини таркибини узоқ муддат бир хил ушлаб туриш мумкин;
- юқори ёнилғи тежамкорлигини таъминлайди;
- чиқинди газларни заарли таъсирини камайтиради.

Замонавий автомобил двигателларининг таъминлаш тизимида K-jetronic, KE-Jetronic, L-Jetronic ёнилғи пуркаш тизимлари қўлланилади.

*Вазифаси.* Ёнилғи аралашмасини керакли таркибда ҳар бир цилиндрларнинг киритиш клапанлари яқинида иш режимига мос равища тайёрлаб бериш.

*Тузилиши.* L-Jetronic тизими қуидаги функционал блоклардан ташкил топган:

- Ишга тушириш тизими;
- Датчиклар;
- Башқариш блоки;
- Ёнилғи узатиш тизими.


Ишга тушириш тизими двигателга керакли микдорда ҳаво узатиб беради. Бу тизим ҳаво филкети, киритиш трубопроводлари, дроссел заслонкаси ва ҳар бир цилиндрга киритиш трубаларидан ташкил топган.

Датчиклар двигател режимининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаб берадилар. Двигателнинг қуидаги кўрсаткичлари датчиклар ёрдамида аниқланади:

- двигателга узатилаётган ҳаво микдори;
- дроссел заслонкасининг ҳолати;
- двигател тирсакли валининг айланиш частотаси;
- двигател ҳарорати;
- ҳаво ҳарорати.

Электрон бошқариш блокида датчиклардан келаётган маълумотлар қайта ишланиб иш режимига мос равишда пуркаш форсункаларига етказиб бериш ва ишлаш учун зарур бўлган босимни ҳосил қилиш ва ушлаб туриш учун хизмат қиласди.

*Ёнилғи узатиш тизими.* Ёнилғини бақдан пуркаш форсункаларига етказиб бериш ва ишлаш учун зарур бўлган босимни ҳосил қилиш ва ушлаб туриш учун хизмат қиласди.



22-расм. Инжекторли таъминлаш тизимининг схемаси.


1-ёнилғи баки, 2-электрли ёнилғи насоси, 3-ёнилғи филкети, 4-тақсимлаш қувури, 5-босим ростлагичи, 6-электрон бошқариш блоки, 7-пурковчи форсунка, 8-юргазиб юбориш форсункаси, 9-салт ишлашни ростлаш винти, 10-дросел заслонкаси датчиги, 11-дросел заслонкаси, 12-ҳаво сарфини аниқлагич

Ёнилғи узатиш тизими ёнилғи насоси, ёнилғи филкети, ёнилғи тақсимлаш трубаси, босим ростлагич, совук ҳолда ишлайдиган ва пуркаш форсункаларидан ташкил топган.

Ёнилғи узатиш тизимидағи ёнилғи тақсимлаш трубаси қуидаги мұхим вазифаны бажаради:

- ёнилғини йиғищ;
- ёнилғини бир хил босим остида ушлаб туриш ва цилиндрларга узатиш;
- ёнилғи босими миқдорини тебранишини олдини олиш;
- форсункани содда ўрнатиш.

Пуркаш форсункаси (22-расм). Пуркаш форсункаси ёнилғи тақсимлаш трубасига ҳар бир цилиндрнинг киритиш клапани яқинига ёнилғини босим остида пуркаб бериш учун ҳизмат қиласы. Электромагнитли пуркаш форсункаси 7 электр имимпульси ёрдамида электрон бошқариш блокидан 6 бошқарылади.



23-расм. Пуркаш форсункаси қуидагилардан ташкил топған:

1-фильтр, 2-электромагнит ўрами, 3-электромагнит якори, 4-пуркаш игнаси, 5-электр улагич

**Ишлиш принципи.** Ток берилмаган ҳолда пуркаш игнаси пружина таъсирида ўриндиққа сиқилиб туради. Агар электромагнитта электр импульсі берилса, игна 0,1 мм масофага ўриндиқдан күтарилади ва игна ва ўриндиқ оралицида тирқиши пайдо бўлади ва шу тирқишидан ёнилғи пуркалади. Форсунка клапанининг очилиш ва ёпилиш вақти 0,6-2,0 мс ташкил этади. Ҳар бир двигател учун пуркаш бурчаги ва киритиш клапанига бўлган масофа ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳар бир двигателга (ишчи хажми, ёниш камераси, киритиш клапанларининг жойлашиши, киритиш трубаларининг шакли) ўзининг форсункаси ўрнатилиши керак.

Форсунка қронштейига маҳсус резина деталлари орқали бириктирилади. Бу иссиқликдан вибрация бензин буғлари ҳосил бўлишдан сақлайди.

Ёнилғи насоси 2 - электр юритмали бўлиб бензинли бақдан тўхтовсиз хайдаб беради.

Ёнилғи насоси ёнилғи баки ичидә ёки ёнилғи бакидан ташқарыда жойлашган бўлиши мумкин. Ёнилғи насоси 600 кРа гача босим ҳосил қилиши мумкин.

Ёнилғи филтри 3. Ёнилғини доимо тозалаб туриш учун хизмат қиласди. Тозаланаётган ёнилғи ўтиш тирқишига 10 мм гача бўлиш керак.

Босим ростлагич 5. Босим ростлагич ёнилғи узатиш тизимида жойлашган бўлиб тизимда ўртача 0,5 МПа босимни таъминлаш учун хизмат қиласди. Электрик юритмали ёнилғи насоси ёнилғини керагидан ортиқ узатиб беради ва босим ростлагич ортиқча ёнилғини ёнилғи бакига қайтариб юборади.

Ҳаво микдорини ўлчаш датчиги 12. Датчик ҳаво филтри ва дроссел заслонкаси оралицида жойлашган бўлади ва двигателга кираётган ҳаво микдорини ўлчаб беради ва ЭББ га маълумот юборади.

Дроссел заслонкасини ҳолатини аниқлаш датчиги 10. Датчик дроссел заслонкасини ҳолатини ва бурилиш бурчагини аниқлайди. Бу датчик ЭББ га двигателнинг иш режими (салт юриш, тўлиқ бўлмаган ва тўлиқ юкланиш) тўцрисида маълумот бераб туради.

Тирсакли валнинг айланишлар частотасини аниқлаш датчиги. Датчик ЭББ га тирсакли валнинг айланишлар частотаси тўцрисида маълумот узатиб туради.

Ишлаш принципи (22-расм). Двигателга ҳавони юргазиб юбориш тизими узатади. Двигателнинг иш кўрсаткичларидан бири бу двигателга сўрилаётган ҳаво бўлиб, унинг микдори ҳаво сарфини аниқлагичда ўлчанади. Бошқа датчиклар эса дроссел заслонкасининг ҳолатини, тирсакли валнинг айланишлар частотасини, ҳаво ва двигател хароратини ўлчайди. Бу датчиклардан келаётган сигналлар электрон бошқариш блоки (ЭББ)да қабул қилиниб таҳлил қилинади ва шу асосида форсункаларга имимпульслар юборилади.

## 2.2. Шассини электрон бошқариш тизимлари

Энг машҳур ва кенг фойдаланиладиган актив хавфсизлик тизимларига куйидагилар киради:

- блокировкага қарши тормоз тизими;
- шатаксирашга қарши тизим;
- йўналиш турғунлигини таъминлаш тизими;
- тормоз кучларини тақсимлаш тизими;
- фавқулатда тормозланиш тизими;
- пиёдани аниқлаш тизими;
- дифференциални электрон блокировка қилиш тизими.

Автомобилнинг пассив хавфсизлик тизимини энг муҳим компонентлари куйидагилар:

- хавфсизлик камарлари;
- хавфсизлик камарларини таранглатгичлар;
- актив бош тагилар;
- ҳаво ёстиқчалари;
- кузовнинг хавфсиз конструкцияси;

- аккумулятор батареялари занжирини фавқулотда узгичи;
- бошқа қурилмалар (кабриолетта ағдарилишга қарши ҳимоя тизими; бола хавфсизлиги тизимлари - қаттимлаш, ўриндиқлар, хавфсизлик камарлари).

### **Блокировкаға қарши тормоз тизимлари (АБС)**

1991 йилнинг 1 октябридан Европа Иттилоғига аъзо давлатлар ҳудудида ҳуқуқий қоидаларга асосан тиркамалар билан ташишга мўлжалланган юк автомобиллари, тўлиқ массаси 16 тонна бўлган мингашма автопоездларда, 10 тоннадан ортиқ бўлган тиркамаларда ва 12 тоннадан ортиқ бўлган автобусларда АБС ўрнатилиши зарур деб белгиланган. Ушбу нормаларни анча энгил бўлган транспорт воситалари (тўлиқ массаси 3,5 т дан ортиқ бўлган) учун ҳам кенгайтириш мўлжалланмоқда. Конунда тормозланиш жараёнида автомобил ва ғилдиракларнинг ҳолати ва секинлашишига оид спецификацияга боғлиқ равишда бир-биридан фарқ қиласидан АБС тизимларининг уч категорияси кўрсатилиб ўтилади.

Европа автомобил ишлаб чиқарувчиларининг аксарияти 1 категория АБС тизимларини ўрнатади (бу тизимлар ЕЭС71/320 кўрсатмасининг барча талабларига жавоб беради). Барча АБС тизимлари, ўт олдириш тизими ишга тушиши билан ёқиладиган ва 2 сониядан кейин ўчадиган ҳайдовчини учун огоҳлантириш лампалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Агар лампалар автомобилни бошқариш вақтида ёнса, у носозликлар аниқланганлигини кўрсатади. Бу АБС тизимини тўлиқ ўчирилганини билдириши мумкин.

Турли ишлаб чиқарувчиларнинг АБСли тягач ва тиркамалари биргаликда ишлатилиши мумкин, агар уларнинг уланадиган электр разъёмлари ДИН 7638 мувофиқ бажарилган бўлса. АБС тизимининг қисман ишлатилиши ҳам (ёки тягачда ёки тиркамада) тормозланиш жараёнини АБС умуман йўқ бўлгани билан солиштирганда анчагина яхшиланади.

Тормозланишда ғилдиракларнинг блокировка бўлиб қолиши ("Сирпаниб" ҳаракати) қуйидаги сабабларга кўра мақсадга мувофиқ эмас: тормозланишда автомобил ёки автопоезднинг турғунлиги йўқолади, ғилдиракларни тез-тез блокировка бўлиши ва ундан келиб чиқиб "сирпаниб" ҳаракатланиши шиналарнинг тез еёилиши ва хизмат муддатини қисқаришига олиб келади, тормозланиш самарадорлиги камаяди. Автомобилларнинг тормоз хусусиятларини яхшилаш учун блокировкаға қарши тормоз тизимлари (АБС) ишлатилади. АБС вазифаси – тормозланишда автомобил ғилдиракларини блокировка бўлишини бартараф этиш, жуда бўлмаса узоқ блокировка бўлишидан (минимал вазифа) ва тормозланишнинг ўзгариб турган ҳолатида илашиш коэффициентини оптимал бўлган (максималга яқин) тормозланиш режимини автоматик аниқлаш ва ушлаб туриш.

Ғилдиракнинг тормозланиш жараёнида унга айланишига ҳалақит берадиган ва ғилдиракни йўл билан контактида тормоз кучини ҳосил қиласидан  $M_\tau$  тормоз моменти келтирилади

$$P_\tau = M_\tau / r_g.$$


Куйидаги шартга кўра

$$P_\tau = J\varepsilon / r_g > P_{cp}$$

Фидиракларнинг блокировкаси содир бўлади ва у сирпанишни бошлайди, (бу ерда  $J$  – фидиракнинг инерция моменти,  $\varepsilon$  - бурчак секинлашиши ва  $r_t$ -фидиракнинг динамик радиуси;  $P_\varphi$  – таянч юзаси билан фидиракнинг илашиш кучи). Фидиракнинг нисбий сирпаниши

$$\sigma = \frac{V_a - \omega_k r}{V_a},$$


бу ерда  $V_a$  – автомобиль тезлиги,  $\omega_k$  – фидиракнинг бурчак тезлиги.



24-расм.  $P_\tau$  нинг фидирак сирпанишига (а) ва босим р нинг икки фазали (б) ва уч фазали (с) режимларга боғлиқ ўзгаришлари графиклари


$P_\tau$  ва  $P_\varphi$  сирпанишга нисбатан боғланишларини кўрсак  $P_\tau$  ва  $P_\varphi$  ларнинг ўсиши билан  $\sigma$  ҳам ўсади. 1 нуқтада  $P_\tau$  қиймати  $P_\varphi$  дан ошишни бошлайди ва  $\sigma$  нинг ҳам кучли ортиши бошланади. 2 нуқтада АБС ишга тушади - тормоз кучи пасайишни бошлайди (4 нуқтасигача).  $P_\tau = P_\varphi$  (3 нуқтада) бўлганда  $\sigma$  нинг камайиши бошланади. 4 нуқтада АБС янги сигнал ишлаб чиқади, унга асосан ёки янги қайта тормозланиш бошланади (4 нуқтадан 5 нуқтагача) ёки сақлаб туриш фазаси таъминланади (4 ва 6 нуқталар). Энг катта илашиш коэффициенти  $\varphi$   $\sigma = 0,2 \dots 0,3$  ва у критик сирпаниш  $\sigma_{pr}$  деб аталади, бунда  $P_{\varphi max}$ . Шунинг учун, тормозланиш самарадорлигини ошириш учун АБС сирпанишнинг  $\sigma_{pr}$  оралигига имкони борича яқин қийматларида тормозланишни таъминлаши керак. Тормоз камераларида ва цилиндрларидаги босимни бошқарилишига қараб АБСлар икки фазали ва уч фазалига бўлинади.

Маълумотларни тақдим этиш ва қайта ишлаш шаклига қараб АБСлар аналогли, рақамли ва комбинациялашганга бўлинади. Рақамли АБСлар қатор афзалликларга эга бўлса-да, аналогли ва комбинациялашган АБСлар соддалиги ва созлаш параметрларини тўғрилашни кенг ва оператив имкониятлари бўйича анча қулай ҳисобланади. Кириш сигналлари сонига кўра АБСлар бир ва кўп сигналли бўлади. Кириш сигналлари - автомобиль тезлиги (ёки уларнинг ҳосилалари),  $\omega_k$  - фидирак бурчак тезлиги ҳисобланади. АБС релели ростланадиган ёпиқ автоматик ростлаш тизими бўлиб, унинг функционал схемаси қуйидаги кўринишда бўлади (25-расм).



25-расм. АБСнинг функционал схемаси

Замонавий АБСларда энг кўп қўлланиладиган датчиклар - энг юқори информацион имкониятига эга бўлган тормозланаётган ғилдиракларнинг айланиш частотаси (индукцион) датчиклардир. Электрон ҳисоблаш блоки (ЭРБ) қуидаги асосий функцияларни бажаради: тормозланаётган ғилдираклардан (1 ёки бир нечта) кирувчи маълумотларни қайта ишлайди, бир ёки бир нечта ижро қурилмалари бошқаради, АБС назорат қиласи ва у ишдан чиқса уни ўчиради ва ҳайдовчига хабар беради. Босим модулатори ЭРБдан келаётган электр сигналлари мувофиқ тормоз камераларида ва цилиндрларидаги босимни бошқариш учун мўлжалланган. Гидравлик, насос-аккумуляторли тормоз тизимлари учун мўлжалланган гидравлик золотникли модулятор билан жиҳозланган АБСнинг схемаси ва ишлаш принципини кўриб чиқамиз.




26-расм. Гидравлик модуляторли АБС схемаси:

1 ва 6 - электромагнитлар; 2 ва 5 - золотниклар; 3 - босимли магистраль; 9 - цилиндр магистрали; 4 - қуилиши магистрални; 7 ва 11 - электромагнит штоклари; 8 - корпус; 10 - пружина; 12 - ғилдирак; 13 - индукцион датчиги; 14 - ротор датчиги; 15 - тормознинг ғилдирак цилиндрлари.

Дастлабки ҳолатда 2 ва 5 золотникларнинг жойлашиши схемадагидек бўлади. Тормозланаётган ғилдирак блокировка бўлганда, яъни унинг бурчак секинлашиши катта бўлганда, ЭРБ 13 датчикдан келаётган маълумот асосида 6 электромагнитга электр сигналини юборади. Электромагнит шток 7 золотник 5 орқали 2 золотникнинг тутиб чиқсан жойигача ҳаракатланади. Бунда 3 ва 9 магистраллари бир-биридан ажралади ва охиргиси қуилиш магистрали 4 билан уланиб ғилдиракларни тормозланишдан автоматик равишда қўйиб юборади.

Ғилдиракнинг бурчак секинлашиши кичик бўлганда ЭРБ 6 элементдан кучланишини олади ва 1 электромагнитга юборади, натижада 2 золотник 11 шток ёрдамида юқорига ҳаракатланади, 5 золотник эса бошланғич ҳолатига қайтади.

АБС тизимининг турли авлодлар хусусиятлари кескин ўзгарди, масалан, биринчи серияли намуналарига нисбатан бошқарув блокли гидравлик модулнинг массаси 6,3 дан 1,6 кг гача камайди, таркибий элементлар сони эса деярли бир даражага қисқарди (27-расм).



	1978	1980	1995	2003
Поколение	ABS 2	ABS 2E	ABS 5.3	ABS 8.0
Масса, кг	6,3	4,9	2,6	1,6
Количество электронных компонентов	140	40	25	16
Объем памяти, кб	2	8	24	128

27-расм. АБС тизимларининг эволюцияси

### Шатаксирашга қарши тизимлар

Етакчи ғилдиракларнинг шатаксирашга қарши тизими (ACP, ТРС) автомобил ҳаракатининг бошланишида ва тезланишида ҳайдовчининг двигател оборотини назорат қилиш заруриятидан озод қиласи ва автомобилнинг ишончлироқ тезланишини таъминлайди, шатаксирашнинг йўқлиги бошқарувчаниликни ва турғунликни оширади. АСР тизимида амалга ошириладиган асосий ғоя, маҳсус ёрдами чи дроссел заслонкасининг ҳолатига автоматик таъсир ёрдамида (ёки "электрон дроссел - ЕТС" тизимида таъсир қилиб) ИЁД айланиш частотасини бошқаришни мослаштириш, шунингдек,

АБС тизимининг босим модулятори орқали тормоз механизми ёрдамида шатаксираётган ғилдиракни тормозлаширишдан иборат (28-расм). Шу тизимни бошқараётган компьютер ҳар бир ғилдиракнинг айланиш частотаси тўғрисида, ғилдиракларда ўрнатилган датчиклар ва тезланиш датчигидан маълумот олади. Датчиклардаги сигналлар етакчи ғилдиракларда шатаксираш бошланадиганини кўрсатиши билан компьютер двигатель қувватини камайтириш ҳақида қарор қабул қиласи ва унга газ педалига бўлаётган таъсир даражасини пасайтиришга ўхшашиб таъсир ўтказади, бунда ғилдиракларнинг шатаксираши ошган сари газни ташлаб юбориш даражаси мос равища кучлироқ бўлади.



28-расм. шатаксирашга қарши тизимнинг (ACP, TPS) таркибий схемаси:  
ДК- ғилдирак датчиклари; DC-тезлик датчиги; DU-тезланиш датчиги;  
DD-дроссел ҳолати датчиги

Бошқарув блоки ғилдираклар айланиш частотаси фарқидан шатаксирашни аниқлайди, ёнилғи таъминоти ҳолати бўйича буровчи моментни баҳолайди. Кўшимча равищада автомобил тезланиши ва тезлигини аниқлайди, бошқарув блоки маҳсус узел орқали ёнилғи таъминотини камайтиришга топшириқ ишлаб чиқади, автоматик трансмиссия ЭБУси босим модулятори орқали тормоз контурида босимни ошириш орқали шатаксираётган ғилдиракни тормозланишига ва автоматик трансмиссия мавжуд бўлганда унинг иш режимини ўзгартиришга топшириқ беради.

ЕБД тизими ҳаракатланиш шароитларига қараб олдинги ва орқа ғилдираклар орасида тормоз кучини оптимал тақсимлаш учун АБСдан фойдаланади.

Ундан ташқари, бурилаётганда тормозлашда чап ва ўнг ғилдираклар орасида тормозлаш кучини тақсимлашни ЕБД назорат қилиб, автомобил бошқарилувчанини сақлашда ёрдам беради. Шошилинч тормозлаш кучайтиргичининг асосий вазифаси – шошилинч тормозлашда хайдовчи педалга етарлича куч билан боса олмаган ҳолда қўшимча тормоз кучини яратиш бўлади. Кучайтиргич автомобил тормозланиши қувватини оширади. Йўлсизлик бўйлаб ҳаракатланганда бу функция двигателнинг буровчи моментини камайтиради, буксовка қилаётган ғилдирак тормозининг гидроюритмасида

босимни оширади ва бекорга сарфланаётган тортиш кучини ишқаланишни оширувчи дифференциал ёрдамида қолган ғилдираклар орасида тақсимлайди. Натижада оғир йўл шароитларида автомобилнинг ўтувчанлиги ортади Куч барқарорлиги тизими (BCC) автомобил бурилиб ҳаракатланганда олдинги ёки орқа етакчи ғилдирак сирпаниши натижасида унинг сирпаниб сурилишининг олдини олади. Қиялик бўйлаб пастга ҳаракатланаётганда агар ёрдам бериш тизими уланган бўлса, тақсимлаш қутисида қўйи диапазон бўлса, акселератор ва тормоз педалларига босмасдан ДАС тизими ҳамма тўртала ғилдиракларни бошқаришни ўзига олади ва автомобилнинг секин ҳаракатланишини таъминлайди, ғилдираклар блокировка бўлишига йўл қўймайди. Натижада катта қияликда пастга ҳаракатланаётган автомобилнинг бошқарувчанлиги сақланади. Агар автомобил сирпанчиқ йўл ёки қия тепалик бўйлаб ҳаракатланишни бошласа ҲАС тизими автомобил орқага сирпанаётганини аникласа, у ҳамма тўртала ғилдирак тормозлари гидроюритмаларидағи босимни бошқариш режимини улади, натижада автомобил орқага сирпанишига йўл қўйилмайди. Тормоз тизимлари ёрдам, фаол вазнини назорат қилиш тизими (A-TPC) билан тормоз тизими, (BCC), ёрдам тизими.

Функцияси	Баёни	MКП	MКП
		моделлари	
АБС	АБС кескин тормоз берилганда ёки сирпанчиқ йўлда тормозланганда ғилдираклар блокировка бўлиб қолишининг олдини олади	о	о
Тормозлаш кучини тақсимлашнинг электрон тизими (ЕБД)	ЕБД тизими ҳаракатланиш шароитларига қараб олдинги ва орқа ғилдираклар орасида тормоз кучини оптимал тақсимлаш учун АБСдан фойдаланади. Ундан ташқари, бурилаётганда тормозлашда чап ва ўнг ғилдираклар орасида тормозлаш кучини тақсимлашни ЕБД назорат қилиб, автомобил бошқарилувчанлигини сақлашда ёрдам беради.	о	о
Шошилинч тормозлаш кучайтиргичи	Шошилинч тормозлаш кучайтиргичининг асосий вазифаси – шошилинч тормозлашда хайдовчи педалга етарлича куч билан боса олмаган ҳолда қўшимча тормоз кучини яратиш бўлади. Кучайтиргич автомобил тормозланиши қувватини оширади.	о	о
Пробуксовка бўлишига карши фаол тизим (A-TPC)	Йўлсизлик бўйлаб ҳаракатланганда бу функция двигателнинг буровчи моментини камайтиради, буксовка қилаётган ғилдирак тормозининг гидроюритмасида босимни оширади ва бекорга сарфланаётган тортиш кучини ишқаланишни оширувчи дифференциал ёрдамида қолган ғилдираклар орасида тақсимлайди. Натижада оғир йўл шароитларида автомобилнинг ўтувчанлиги ортади	о	о
Курс барқарорлиги тизими (BCC)	Куч барқарорлиги тизими (BCC) автомобил бурилиб ҳаракатланганда олдинги ёки орқа етакчи ғилдирак сирпаниши натижасида унинг сирпаниб сурилишининг олдини олади.	о	о

Киялик бўйлаб пастга ҳаракатланаётганда ёрдамлашувчи тизим(ДАС)	Киялик бўйлаб пастга ҳаракатланаётганда агар ёрдам бериш тизими уланган бўлса, тақсимлаш қутисида қуий диапазон бўлса, акселератор ва тормоз педаллари га босмасдан ДАС тизими ҳамма тўртала ғилдиракларни бошқаришни ўзига олади ва автомобилнинг секин ҳаракатланишини таъминлайди, ғилдираклар блокировка бўлишига йўл қўймайди. Натижада катта қияликда пастга ҳаракатланаётган автомобилнинг бошқарувчанлиги сақланади.	о	о
Тепаликка ҳаракатланишдаги ёрдамлашувчи тизим (ҲАС)	Агар автомобил сирпанчиқ йўл ёки қия тепалик бўйлаб ҳаракатланишини бошласа ҲАС тизими автомобил орқага сирпанаётганини аниқласа, у ҳамма тўрттала ғилдирак тормозлари гидроюритмалари даги босимни бошқариш режимини улади, натижада автомобил орқага сирпанишига йўл қўйилмайди.	о	о

АБС кескин тормоз берилганда ёки сирпанчиқ йўлда тормозланганда ғилдираклар блокировка бўлиб қолишининг олдини олади.


Тормозланишда ғилдиракларнинг блокировка бўлиб қолиши ("Сирпаниб" ҳаракати) қуйидаги сабабларга қўра мақсадга мувофиқ эмас: тормозланишда автомобил ёки автопоезднинг турғунлиги йўқолади, ғилдиракларни тез-тез блокировка бўлиши ва ундан келиб чиқиб "сирпаниб" ҳаракатланиши шиналарнинг тез ёёилиши ва хизмат муддатини қисқаришига олиб келади, тормозланиш самарадорлиги камаяди. Автомобилларнинг тормоз хусусиятларини яхшилаш учун блокировкага қарши тормоз тизимлари (АБС) ишлатилади. АБС вазифаси – тормозланишда автомобил ғилдиракларини блокировка бўлишини бартараф этиш, жуда бўлмаса узоқ блокировка бўлишидан (минимал вазифа) ва тормозланишнинг ўзгариб турган ҳолатида илашиш коэффициентини оптимал бўлган (максималга яқин) тормозланиш режимини автоматик аниқлаш ва ушлаб туриш.



С усилителем экстренного торможения

Без усилителя экстренного торможения


29-расм. Сирпанишга қарши тормоз тизими




30-расм. Кучайтиргичли тормоз тизими графиги

Маълумотларни тақдим этиш ва қайта ишлаш шаклига қараб АБСлар аналогли, рақамли ва комбинациялашганга бўлинади. Рақамли АБСлар қатор афзаликларга эга бўлса-да, аналогли ва комбинациялашган АБСлар соддалиги ва созлаш параметрларини тўғрилашни кенг ва оператив имкониятлари бўйича анча қулай хисобланади.


### *A-TPC тизимли*



### *A-TPC тизимсиз*



31-расм. А-TPC тизимининг схемаси



32-расм. ВСС тормоз тизимини иш жараёни


(А-ТРС) тизимида йўлсизлик бўйлаб ҳаракатланганда бу функция двигателнинг буровчи моментини камайтиради, буксовка қилаётган ғилдирак тормозининг гидроюритмасида босимни оширади ва бекорга сарфланаётган тортиш кучини ишқаланишни оширувчи дифференциал ёрдамида қолган ғилдираклар орасида тақсимлайди. Натижада оғир йўл шароитларида автомобилнинг ўтувчанлиги ортади.

Куч барқарорлиги тизими (ВСС) автомобил бурилиб ҳаракатланганда олдинги ёки орқа етакчи ғилдирак сирпаниши натижасида унинг сирпаниб сурилишининг олдини олади.

Қиялик бўйлаб пастга ҳаракатланаётганда агар ёрдам бериш тизими уланган бўлса, тақсимлаш қутисида куйи диапазон бўлса, акселератор ва тормоз педалларига босмасдан ДАС тизими ҳамма тўртала ғилдиракларни бошқаришни ўзига олади ва автомобилнинг секин ҳаракатланишини таъминлайди, ғилдираклар блокировка бўлишига йўл қўймайди. Натижада катта қияликда пастга ҳаракатланаётган автомобилнинг бошқарувчанлиги сақланади.

Агар автомобил сирпанчик ўйлаб ёки қия тепалик бўйлаб ҳаракатланишни бошласа ҲАС тизими автомобил орқага сирпанаётганини аниқласа, у ҳамма тўрттала ғилдирак тормозлари гидроюритмаларидаги босимни бошқариш режимиини улайди, натижада автомобил орқага сирпанишига йўл қўйилмайди.

Юқори бошқарувини таъминлайди ва ғилдиракларни блокировка қилмасдан силжиши мумкин бўлган жойга аста-секин тушишига имкон беради.



33-расм. ҲАС тизимини иш жараёни

ДТС (электрон ДТС) кодлари диагностика жараёнида тизим хотирасида сақланади. ДТС кодлари ССТ диагностика асбобини (09843-18040) ДЛСЗ диагностика уяси Тс ва СГ терминалларига улашда ёки портатив диагностика воситасидан фойдаланиб, тормоз нури ёритгичининг ва ВСС огоҳлантириш чироги билан ўқилади.

Код ДТС		Носозлик	Код ДТС		Носозлик
2-сим волли	5-сим волли		2-сим волли	5-сим волли	
11	C0278	АБС электромагнит релеси занжирида узилиш	38	C1238	Орқа томондаги ўнг ғилдирак датчигида бегона предмет
12	C0279	АБС электромагнит релеси «+» аккумулятор батареяси занжирида қисқа туташув	39	C1239	Орқа томондаги чап ғилдирак датчигида бегона предмет
21	C0226	Бош тормоз цилинтри СФР электромагнит клапани занжирида узилиш ёки қисқа туташув	41	C1241	Аккумулятор батареясида паст ёки хаддан ташқари юқори – аномал кучланиш
22	C0239	Бош тормоз цилинтри СФР электромагнит клапани занжирида узилиш ёки қисқа туташув	42	C1242	ИГ2 ўт олдириш занжирида узилиш
23	C0246	Бош тормоз цилинтри электромагнит клапани занжири СФРда қисқа туташув ёки узилиш бор	43	C1243	Секинлашиш датчигида носозлик (чиқишда доимий сигнал)
24	C0256	Бош тормоз цилинтри СФР электромагнит клапани занжирида узилиш ёки қисқа туташув	44	C1244	Секинлашиш датчиги занжирида узилиш ёки қисқа туташиш

25	C1225	Бош тормоз цилинтри СМС (СА1) электромагнит клапани занжирида узилиш ёки қисқа туташув	45	C1245	Секинлашиш датчигидан носозликтайтириш
26	C1226	Бош тормоз цилинтри СПС (СА2) электромагнит клапани занжирида узилиш ёки қисқа туташув	46	C1246	Бош цилиндрда босим датчигидан носозликтайтириш
27	C1227	Бош тормоз цилинтри СРС (СА3) электромагнит клапани занжирида узилиш ёки қисқа туташув	49	C1249	Стопсигнал ўчиргичи занжирида узилиш
28	C1228	Бош тормоз цилинтри СТР электромагнит клапани занжирида узилиш ёки қисқа туташув	51	C1251	Насос электродвигателининг тиқилиб қолиши
31	C0200	Ўнг томондаги олдинги ғилдирак айланишлар частотаси датчиги носозлиги сигнални	52	C1252	Тормоз тизими гидрокучайтиргичи насоси электродвигателининг носозлиги
32	C0205	Чап томондаги олдинги ғилдирак айланишлар частотаси датчиги носозлиги сигнални	53	C1253	Тормоз тизими гидрокучайтиргичи насоси реле электродвигатели носозлиги
33	C0210	Ўнг томондаги орқа ғилдирак айланишлар частотаси датчиги носозлиги сигнални	54	C1254	Босим релеси носозлиги
34	C0215	Чап томондаги орқа ғилдирак айланишлар частотаси датчиги носозлиги сигнални	56	C1256	Гидроаккумуляторда босими пастлиги
35	C1235	Ўнг томондаги олдинги ғилдирак айланишлар частотаси датчигидан бегона предмет	57	C1257	Генераторни кўзғатиш схемасида носозлик
36	C1236	Ўнг томондаги олдинги ғилдирак айланишлар частотаси датчигидан бегона предмет	68	C1268	Тақсимлаш қутиси Л4 ҳолати қайта улагичи носозлиги
37	C1337	Бир ғилдирак ёки бир нечта ғилдиракларнинг ўлчами қолган ғилдираклар ўлчамидан фарқ қиласи	96	C1306	Тезлик датчиги таъминлаш манбаи носозлиги

### 2.3. Автомобилни электрон бошқариш тизимлари

Электрон двигателни бошқариш блоки - бу компонентсиз замонавий автомобилни тасаввур қилиш қийин эмас. Энергия блокининг бутун назорат тизимида ЭБУ асосий элемент ҳисобланади Унинг мақсади турли сенсорлардан юборилган маълумотни олишдир. Ушбу маълумотлар маҳсус алгоритмга мувофиқ қайта ишланади, ундан кейин жамоалар ижро этувчи компонентлар учун яратилади. Дизайндаги электрон бошқарув блокининг мавжудлиги энергия блокининг асосий кўрсаткичларини оптималлаштириш имконини беради:

- буриш вақти;

- куч;
- чиқинди газлар таркиби;
- истеъмол ва бошқалар.

Ва барча компьютер тизимлари диагностикасини амалга оширадиган электроника. Ажойиб тарих Электрон восита бошқарув блокининг ташқи кўриниши восита цилиндрларига ёнилғини тўғри миқдорда ва керакли мустаҳкамлик билан таъминлаш зарурати билан боғлиқ. электрон бирлиги яратиш олдин, бу вазифалар дизайнерлар юборилган асосий кучини ошириш учун, карбуратор амалга. Бироқ, арzon ва арzon микроциплер Карбюратор даврнинг чиқиш 70с содир пасайишига белгиланган. Аммо биринчи электрон двигателларни бошқариш тизимлари 50-йилларнинг ўрталарида содир бўлган 6С2500 модели учун Алфа Ромео компаниясидан италияликлар томонидан яратилган. Ушбу блок Сапрони-Фуссалдо деб аталди.

Текшириш бирлигининг барча компонентларини иккита катта блокга бўлиш мумкин:

1. Дастурий таъминот;
2. Ускuna.

**Дастурий таъминот:** У ҳисоблаш табиатининг жуфт модулларидан иборат:

Бошқариш - agar керак бўлса, чиқадиган сигналларни текшириш, шунингдек созлаш учун мўлжалланган.


Бундан ташқари, ушбу модул энергия блокини сустлаштиради. Функционал – унинг вазифалари турли сенсорлардан сигналларни қабул қилиш, уларни кейинчалик қайта ишлаш ва ижро этувчи қурилмалар учун буйруқлар тузишни ўз ичига олади.

**Дастур хавфсизлиги.** Бу электрон элементларнинг массасидан иборат - микропроцессорлар ва бошқалардан иборат. аналог-т-рақамли Конвертер томонидан белгиланган турли датчиклар келган аналог сигналлари ушлайди ва йўналтирилган рақамли форматда ва микро процессор уларни ўзгартиради. Агар тескари конвертация қилиш керак бўлса (процессордан келган буйруқлар), конвертор ҳам уларни таржима қиласи. Бундан ташқари, компьютер имимпульс сигналларини олади, бу еса форматини рақамли форматга ўтказиш учун конвертер орқали ўтади. Компьютернинг функцияси турли сенсорлардан маълумот олишдир, уларнинг сони замонавий моделларда 20 ва ундан ортиқ даражага етади:

- ҳаво истеъмоли тўғрисидаги маълумотлар;
- ламбда пробасидан индикаторлар;
- кранк мили ҳақида маълумот (унинг ҳолати ва унинг тезлиги);
- маршрутнинг бекарорлиги тўғрисида сигналлар ва бошқалар.



34-расм. Электрон бошқарув блоки



35-расм. ЭББ умумий схемаси

Бу сигналларни ишлашга қўшимча равишда электрон двигателларни бошқариш бўлими сигналларни турли хил қурилмаларга юборади:

- ўт олдириш тизими - бу битта ЎОҒ ёки бир неча бўлиши мумкин (энергия бирлиги турига қараб).
- ёруғлик индикатори - унинг мақсади двигателда ҳам, тўғридан-тўғри китиш ҳам хатолар мавжудлиги тўғрисида хабар беришdir.
- инжекторлар - уларнинг ёрдамида цилиндрга ёқилғи қуйилади. Шу билан бирга, бу ёқилғининг микдори ўзгаришининг частотаси доимий ўзгариб туради, чунки у турли шартларга боғлиқ. Бундай ҳолда, инструкторларнинг функциялари (уларнинг назорат компонентларини компьютердан буйруқларнинг ўзгаришига жавоб бериш ва уларнинг ишлаш тезлиги) олдинга чиқади.

- синов қурилмалари - диагностика асбоблари восита ва электрон двигателни назорат қилиш мосламасини текшириш зарур бўлганда маҳсус коннектор орқали уланади. Компьютернинг афзаликлари Динамик кўрсаткичларни оптималлаштириш;
- истеъмолни қисқартириш;
- Двигателни ишга туширишнинг қулайлиги - электрон механизмни бошқариш бўлими қийин иш шароитида тезда мослаштирилади (қиши мавсумида воситани иситиш);
- қўлда созлашни талаб қиласлик;
- Экологик тозалик кўрсаткичларини ошириш. ЭБУ хато қилади;
- компонентларнинг юқори қиймати;
- таъмирлашнинг мумкин эмаслиги - фақат алмаштириш;
- компьютерни диагностика қилиш учун қимматбаҳо ва мураккаб ускуналар, шунингдек, маҳсус ўқитилган техник ва электриклар учун зарурат; Электр таъминоти ишончлилиги кўрсаткичларига юқори талаблар;
- юқори сифатли ёқилғига эхтиёж.

Одатда, ЭБУ нинг муваффақиятсизлиги қўйидаги белгилар мавжудлиги билан тавсифланади:

- қурилма ламбда пробу - ҳарорат сезгичлари, шунингдек, газ келадиган жойидан сигналларга жавоб бермайди;
- ижро этувчи табиатнинг турли таркибий қисмлари - қўзғалиш клапани, ёнилғи қўйиш тизимлари, бензин насоси ва ҳоказо.
- механик шикастланиш - симлари ёки микросхемалар ёқилган.

Одатда бундай нотўғри ишлашга олиб келиши мумкин бўлган бир нечта оддий ҳолатлар мавжуд:


- компьютернинг юзасида намлик;
- кабелнинг узилиши ёки бошқа омил туфайли ёпилиши;
- батарея алоқаси вақтида нотўғри қутблилик;
- ёкиш автоулови ўчирилганида стартнинг фаоллашиши;
- агар двигател ишлайдиган автомобилдан батарея «ёниб турса»;
- восита ишлаётганида батареяли терминали чиқарилса;
- пайвандлаш жараёнида электрод машинанинг ёки унинг сенсорларини пайвандлаш жараёнига ёпишган бўлса;
- малакасиз электр мутахассиси томонидан сигнални таъмирлаш ёки ўрнатиш.

Текширув пайтида, аввало, мавжуд имкониятларни текшириб кўришингиз керак ва фақатгина ижро этувчи имкониятларни текширишингиз керак. Автомобил учун ҳар бир компонентнинг аҳамиятли жадваллари мавжуд. Ушбу рейтингнинг сабаби шундаки, фақат битта таъминот функцияси йўқолиши, қоида тариқасида, бир вақтнинг ўзида бир нечта ижро функциялари йўқолишига олиб келади. Кўриб турганимиздек, электрон механизмни бошқариш тизими бутун тизимнинг ишлашида асосий рол ўйнайди. Шунинг учун, ушбу компонентнинг нотўғри ишлаши бартараф этилиши керак. Юқори технологияли агрэгатлар ва агрэгатларни тўғри ишлаши учун ҳар бир механизм


электрон бошқарув блокини талаб қилади. Ўз-ўзидан бу атама механизмларнинг барча турларини бошқарадиган тизим тушунчасини ўз ичига олади.

Кўпгина автоуловчилар ЭБУ нима еканлигини ва унинг мақсади нимадан иборат дэган ибора бор. Микропроцессорлар, резисторлар, конверторлар ва бошқа элементлардан иборат чип жуда юқори технологик қурилмадир. Айниқса сиз электроника ва автоматлаштириш дунёсига қизиқмасангиз. Дизайннинг мураккаблиги бажариладиган функцияларнинг кўп вазифаларига боғлиқ. Параметрларни қанчалик кўп ишлишингиз керак бўлса, текширгич ҳам шунча мураккаб бўлади. ЭБУ дизайнни аппарат модуллари ва дастурий таъминоти мавжудлигини таъкидлайди. Ускуна бошида микропроцессор бор. Аналог-рақамли конверторлар сигналларни "тушунарли" импульсларга айлантириш учун ишлатилади. Дастурий таъминот кириш параметрлари ўлчанадиган ва куйи тизимлар ўрнатиладиган дастурларнинг аниқланган алгоритмидир. Функционал ва бошқарув модуллари мавжуд. ЭБУ нинг Функционал қисми сенсор сигналларини қабул қилиш, ишлов бериш ва ижро этувчи асбобларни сигнализация қилиш учун жавобгардир. Бошқарув модули қайта ишланадиган параметрларнинг тўғрилигини назорат қиласи.

Замонавий автомобиллар учун электрон двигателни бошқариш бўлими энергия блокининг тўғри ишлишини таъминлашда энг муҳим элемент хисобланади. Двигателнинг максимал маҳсулдорлигига эришиш учун ёқилғиҳаво аралашмасининг нисбатларини тўғри аниқлаб олиш, инъекция муддатини текшириш ва ўралган ашёнинг ишини оптималлаштириш керак.



36-расм. Двигателнинг бошқарув тизими схемаси



37-расм. ЭББ тизимининг ташкил этиувчилик схемаси

Биринчи инспекторлар инжекторли двигателларга ўрнатилди. Улар фақат бир неча сенсорлар (қабул қилинган ҳаво микдори, газ ҳолати) сигналларини ҳисобга олган ҳолда цилиндрларнинг тўлдиришини назорат қилдилар. Замонавий автомобилдаги двигателни бошқариш бўлими жуда катта микдордаги сигналларни (цилиндрларнинг детонацияси, совутиш суви ҳарорати, чиқинди газлардаги кислород микдори ва бошқалар) ишлаб чиқаради. Двигателнинг турли хил усусларида асосий жараёнларнинг ўзаро таъсирини аниқ оптималлаштириш мумкин бўлганлиги сабабли. Дастур мониторинги фақат бензинли двигателга эмас, балки дизел двигателларга ҳам тегишили. Двигател ЭБУ билан биргаликда транспорт воситасига қуидагилар киради: Бошқарув модули;

### Пассив хавфизлик тизими фаоллаштирувчиси ва бошқалар.

Бир неча алоҳида назорат қилиш тизимининг асосий «хотира марказлари» керак. Марказий синхронизация модули барча шахсий марказларнинг ҳисоботларига кириш ҳуқуқига эга. Маълумотни кодлаш ва узатиш автобус орқали амалга оширилади. Шу сабабли ҳайдовчи қурилмалар ва монтаж ишларининг тўғрилиги даражасини реал вакт режимида маълумот олишлари

мумкин (бошқарув панелида бошқарув хабарномалари). Ҳар бир ЭБУ хотира блокига эга, бу ерда хатолар тизим ишига киритилади. Диагностик улагич ва махсус қурилма ёки тегишли компьютер дастурлари кўплаб носозлик сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Кейинчалик ишлаб чиқариш моделларида ушбу процедура суғурта блокида муайян алоқаларни яқунлаш орқали амалга оширилади. Диагноз хато кодларини кўрсатади, унинг декодланиши бузилиш ҳақида фикр беради.

Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, хатто энг замонавий тизим мутахассиси ҳам бир неча соатгача ўзлаштириши мумкин. Носозликлар ва хатолар Компьютер компонентларининг ишдан чиқишига сабаб бўлган омиллар:

- юқори кучланиш;
- механик зарар (йўл-транспорт ҳодисаси);
- тебраниш, намлик, техник суюқликлар таъсир қилиши.



38-расм. ЭББ платасининг носоз кўриниши

Совутгич билан алоқа Машиналарнинг нормал ишлаши учун катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, дизайнерлар мазкур қурилманинг ишончлилигига алоҳида эътибор беришади. Аксарият хатоларнинг хатоси кутилмаган вазиятлар ёки муваффақиятсизликка учрайди. Худди шундай муаммо ҳам Лада Калина эгаларига таниш. Ушбу моделдаги электрон восита бошқаруви печнинг радиатори остида ўрнатилади. Охир-оқибат оқиш бошласа, суюқлик текширгич ичкарига киради, бу унинг таркибий қисмларининг ишлашини бузади. "Қўшимча қурилмадаги" хатолар ҳам компьютерни ўчириши мумкин. Тизимни тўғри тарзда қайта дастурлаш учун сиз программа таъминотини тўғри ўқишингиз керак. Агар дастурий таъминот тўғри аниқланмаса, янги дастур назорат қурилмасини "куйдириши" мумкин.

Компьютернинг бузилишининг асосий белгилари:

- Двигателни тўлдириш, ҳоверинг, барқарор ишламайди;
- айрим электрон қурилмаларда қувватни тўхтатиш.

Охирги белгилари, фақат бошқарув модули қисмларининг бир қисми бажарилмаса, намоён бўлади. Машинангизда бундай муаммолар мавжуд бўлса, текширувни таъмирлаш учун қайтариш мумкин. Тегишли тажриба ва тегишли

маълумотсиз, носозликни ўзингиз таъмирлаш имкони бўлмайди. Ишдан чиққан электрон бошқарув блокини алмаштириш керак.

### **Назорат саволлари**

1. Двигателни электрон бошқариш тизимлари батафсил баён қилинг
2. Пуркаш форсункасининг конструкциясини ва ишлаш принципини айтиб беринг
3. Шассини электрон бошқариш тизимлари.
4. А-ТРС фаол синдириш тавсифини беринг.
5. Фақат электрон ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини баён қилинг
6. Электрон бошқарув блоки нима?
7. Электрон бошқарув блокига қандай асосий талаблар қўйилади?
8. Электрон бошқарув блокидан фойдаланишнинг қандай афзалликлари мавжуд?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Махмудов Г.Н. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. – Т.: Истиқлол, 2000. – 206 б.
2. Маҳмудов Ғ.Н. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. Дарслик. 2-чи нашр. – Т.: Ношир, 2011. – 304 б.
3. Ютт В.Э. "Электрооборудование автомобилей". Учебник для студентов высших учебных заведений, 4-е издание. – М.: Транспорт, 2006. – 440 с.
4. Tom Denton. Automobile Electrical and Electronic Systems. Fourth Edition. – New York: Routledge, 2012. 703 р.

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ


### 1-амалий машғулот

#### Автомобил ва тракторларнинг умумий электр схемаларини ўрганиш

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларда автомобиль ва тракторларнинг умумий электр схемаларини ўрганиш бўйича яхлит тасаввур ҳосил қилиш, уларда схема элементларини уланишлари бўйича амалий малака ва қўникмаларни ривожлантириш.

#### 1-топширик.

1. Транспорт воситаларининг умумий электрон схемасини баён қилинг.
2. Транспорт воситаларининг умумий электрон схемасини тасвиirlаб беринг.



69-расм. Транспорт воситаларининг умумий электр схемаси

**Электр жиҳозлари схемаларининг турлари.** Транспорт воситалари учун электр жиҳозларнинг қўйидаги семалари мавжуд: **принципial ва улаш.**

**Асосий (принципial) схема** носозликларни топиш, электр жиҳозлар тизимининг ишлашини тушуниш ҳамда уни назорат қилиш учун мўлжалланган бўлиб, схемага кирувчи барча буюмларнинг ўзаро таъсири тўғрисида тўлиқ тасаввур бериши керак.

**Улашлар схемаси,** схемага кирувчи буюмларни ҳақиқий уланишини белгилайди ва автомобиль электр жиҳозларини ишлатиш жараёнида таъмиrlаш ҳамда йигишни энгиллаштириш учун мўлжалланган. Схемада буюмларнинг

жойлашиши уларнинг автомобилдаги ҳақиқий жойлашишига қараб белгиланиши керак. Схемада ҳақиқий сим дасталарни, улардаги ҳар бир симнинг чиқиши жойи кўрсатилган ҳолда тасвирланиши лозим.

Автомобил электр жиҳозларнинг **умумий схемасида** алоҳида асбоблардан ташқари яна мустақил тизим ҳосил қилувчи ва шу тизимга кирувчи улаш тизмаларга эга бўлган асбоблар гуруҳини ажратиш мумкин. Электр жиҳозларнинг умумий схемасини Нексия автомобили мисолида кўриб чиқамиз. Унда тизимлар микдори кўпроқ бўлиши мумкин, яъни бензинни пуркаш тизими, электрон ўт олдириш тизими, электрон бошқарув тизими ва бошқалар.

Асосий (принципial) схемада юқорида зикр етилган алоҳида вазифаларни бажарувчи тизимларнинг жойлашиш зоналари кўрсатилади (1-схема). Истеъмолчиларнинг уланиш жойини танлашда қуидаги асосий қоидаларга риоя қилиш зарур.

Катта ток кучи истеъмол қиласиган ва қисқа вақт ишлайдиган электр жиҳозлари асбоблари, шунингдек, авария (ҳалокат) ҳолатларда ишлаши зарур бўлган асбоблар, амперметр-аккумулятор линиясига уланади. Истеъмолчиларнинг бундай гуруҳига стартер, сигарет ёндиригич, сигнал, капот остидаги чироқ ва кўчма чироқнинг штепсел розеткаси киради

Қолган истеъмолчилар амперметр-генератор линиясига уланади. Бу гуруҳга ишлаш тавсифига қараб асбоблар ўт олдириш узгичи орқали уланиши керак, қачонки улар фақат двигател юраётган пайтда ишласа. Агар асбоблар унча катта боимаган ток истеъмол қилиб, двигатель юраётган пайтда ҳам, ўчирилган пайтда ҳам узоқ вақт ишласа, амперметр-генератор линиясига (ўт олдириш узгичининг амперметр қисқичи) уланади; ёргуиикни марказий алмашлаб улагичи орқали еса барча ёритиш аппаратуралари уланади.

Барча занжирлар сақлагич орқали ҳимояланади. Аккумулятор батареясининг зарядланиш занжирини ҳимоя қилиш шарт эмас. Чап ва ўнг томондаги ёритиш ҳамда дараклаш асбобларини алоҳида сақлагичлар билан ҳимоя қилиш тавсия етилади. Юргазиш ва ўт олдириш занжирлари уларни ишлатишда ишончлилиги пасайиб кетмаслиги учун қисқа туташувлардан ҳимоя қилинмайди.


## 2-топшириқ.

### Ўт олдириш тизими иши ва унинг элементлари тушунтириинг.

1. Ўт олдириш тизими қандай вазифани бажаради?
2. Ўт олдириш тизимини ташкил қилувчи элементлар.

Ўт олдириш тизими, бензинли двигателнинг силиндрларида ишси аралашмани силиндрларнинг ишлаш тартибига мос равишда, ўз вақтида ва ишончли ўт олдириш учун хизмат қиласиди. Ишчи аралашмани ўт олдириш, ҳар бир силиндрнинг ёниш камерасига ўрнатилган ўт олдириш шами электродлари орасидаги электр разряд натижасида ҳосил бўладиган учқун воситаси билан амалга оширилади. Ўт олдириш шамларининг электродлари орасида учқун ҳосил бўлиши уларга узатилган юқори кучланиш (~12000 В) таъсирида содир бўлади. Ишчи аралашмани ишончли ўт олдириш учун ўт олдириш шам

электродлари орасидаги учқунли разряд йетарли энергияга эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон двигателларида учқунли разряд энергияси 20-100 мДж ни ташкил қиласи ва у двигателни ҳамма иш режимларда меъёрида ишлашини таъминлайди.



### **Ушбу схемада келтирилган ўт олдириш тизими элементларини айтиб беринг.**

Бензин двигателли автомобилларда, аккумуляторлар батареяси ёки генераторнинг паст кучланишини электр разряд ҳосил бўлиши учун йетарли бўлган қийматга кўтариш ва уни керакли дақиқада тааллукли цилиндрнинг ўт олдириш шамига узатиш имкониятини берувчи турли хил ўт олдириш тизимлари ишлатилади. Бу тизимлар учқунли разряд учун зарур энергияни бевосита аккумулятор ёки генератордан эмас, балки оралиқ энергия тўплагичдан олади. Тўплагич турига қараб ўт олдириш тизимлари иккига бўлинади:

- энергияни магнит майдонда (индуктивликда) тўплаш;
- энергияни электр майдонда (сифимда) тўплаш.

Автомобил двигателларида, аксарият ҳолда, энергиянинг индуктив фалтакнинг магнит майдонида тўплаш асосида ишлайдиган ўт олдириш тизимлари татбиқ топган бўлиб, уларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- контактли;
- контакт-транзисторли;
- контактсиз-транзисторли;
- микропротсесорли.

Контактли тизим кўпинча батареяли ёки “классик” ўт олдириш тизими деб ҳам юритилади.

Ўт олдириш тизими асосан қўйидаги қисмлардан ташкил топган:


1. Ток манбаи - аккумуляторлар батареяси ва генератор. Двигателни ишга тушириш жараёнида ва генератор ишлаб чиқаётган кучланиш номинал

қийматдан (12В) кам бўлганда, ўт олдириш тизимининг ток манбай вазифасини аккумуляторлар батареяси, қолган ҳолларда генератор бажаради.

2. Ўт олдириш ғалтаги. У ток манбаининг паст кучланишини (12-14В), ўт олдириш шамларининг электродлари орасида учқунли разряд ҳосил қилиш учун зарур бўлган юқори кучланиш имимпульсларига (12000-24000В) айлантириб беради.

3. Узгич-тақсимлагич. Узгич-тақсимлагич бир ўққа ўтказилган икки механизм - узгич ва тақсимлагичдан иборат. Узгич, зарур дақиқада паст кучланиш занжирини узиш учун хизмат қилса, тақсимлагич - ўт олдириш ғалтагида ҳосил бўлган юқори кучланиш имимпульсларини ишлаш тартибига мос равишда ўт олдириш шамларига йетказиши вазифасини бажаради. Бундан ташқари, узгич - тақсимлагичга ўт олдиришни илгарилатиш бурчагини, двигателнинг ишлаш шароитига мос равишда ўзгартирувчи асбоблар - марказдан қочма ва вакуум ростлагичлар, ҳамда октан-корректор ўрнаштирилган.

4. Ўт олдириш шамлари. Ўт олдириш шамлари двигател силиндрларининг ёниш камерасида учқунли разряд ҳосил қилиш учун хизмат қиласди.



### **Аккумулятор батареяси қайси элементлардан ташкил топган?**

#### **З-топширик.**

**Электр билан таъминлаш тизимига кирувчи жихозлани ишлашини тушунтириб беринг.**


1. Электр билан таъминлаш тизими қандай вазифани бажаради?
2. Электр билан таъминлаш ташкил қилувчи элементлар.

**1. Номинал кучланиш .** Электр энергия истеъмолчиларининг номинал кучланиши - 12, 24 В. Асосий ток манбай - генераторнинг номинал кучланиши 14, 28 В қийматида белгиланади. Автомобил ҳаракатланаётганда ишлайдиган электрэнергия истеъмолчилари кучланиш белгиланган номинал қийматидан 95-125% доирасида ўзгарганда ҳам ўз иш қобилиятларини йўқотмасликлари керак.

**2. Электр ўтказгичларнинг уланиш схемаси.** Автомобилларда бир ўтказгичли схема жорий қилинган, яъни барча истеъмолчиларга битта ўтказгич уланади, ток манбай ва истеъмолчиларнинг иккинчи қутби еса "масса"га (автомобил кузовига ёки шассисига) уланади. Электр жиҳозларнинг баъзи буюмларини икки ўтказгичли схема бўйича тайёрлашга йўл қўйилади. 3940-57 рақамли Давлат стандарти бўйича "масса"га ток манбай ва истеъмолчиларнинг манфий қутби уланади.

Автомобил электр жиҳозларининг номинал кўрсаткичлари (куввати, ток кучи, кучланиши ва ҳоказо), атроф муҳитнинг ҳарорати  $25\pm10$  °C, нисбий намлиги 45-80%, атмосфера босими 870-1060 гПа бўлган шароитда белгиланади.

Автомобил электр жиҳозларининг чулғамлари ва ток ўтказувчи бошқа паст кучланишли занжир элементларининг корпусга нисбатан изолясияси шикастланмасдан 1 мин давомида 50 гс частотали 500 В кучланишга бардош бериши керак.



### Ушбу схемани изоҳлаб беринг.

Автомобил электр жиҳозларидаги чулғамларнинг қизиш температураси атроф муҳит ҳарорати 40 -50°C ва ҳаво босими 870-1060 гПа бўлганда, ишлатилган изолясия материалларнинг тоифасига кўра, 100-135 °C дан ошмаслиги керак.

Электр машиналар, ўт олдириш тизимининг тақсимлагичлари салт ишлаш шароитида катталаштирилган айланишлар частотаси билан синалганда 2 мин давомида шикастланмасдан ишлаши лозим. Стартор еса бундай синовга 20 секунд давомида бардош бериши зарур.

Электр жиҳозларининг иши жараёнида вужудга келадиган радиохалакитлар, Давлат стандарти томонидан белгиланган қийматлардан ошмаслиги керак. Бу талабларни қондириш учун электр жиҳозлар экранланган ёки қисман экранланган ҳолда тайёрланади.

## **2-амалий машғулот**

### **Двигателни электрон бошқариш тизимлари. Автомобил ва тракторларни электрон бошқариш тизимлари**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларда двигатель, автомобиль ва тракторлар электрон бошқариш тизимларини ўрганиш бўйича яхлит тасаввур ҳосил қилиш, уларда ҳосил бўладиган носозликлар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий малака ва кўнкималарни ривожлантириш.

#### **1-топшириқ.**

#### **Двигателни электрон бошқариш тизимлари ишини ва уларда учрайдиган носозликларнинг сабабларини тушунтиринг.**

Ички ёнув двигателларининг таъминлаш тизимида ёнилғи аралашмасини тайёрлаш сифати двигателларнинг қувватига, буровчи моментига ва ёниб бўлган чиқинди газларнинг таркибига таъсир кўрсатди. Карбюраторли ёнилғи таъминлаш тизими бир вақтнинг ўзида қувватни, моментни оширган ҳолда ёнилғи тежамкорлигини ошириш ва чиқинди газларни заарсизлиги бўйича қўйиладиган талабга жавоб берадиган.

Карбюраторли двигателларнинг таъминлаш тизимининг асосий камчилиги қўйидагидан иборат:

- цилиндрлар сонини карбюратордан ҳар хил масофада жойлашган.
- ёнилғи аралашмаси карбюраторда тайёрланади ва цилиндрларга тайёр аралашма узатилади.

Бу камчиликлар натижасида цилиндрларга ҳар хил таркибаги ёнилғи аралашмаси этиб боради ва ёнилғи сарфи ошади.

Бу камчиликларни йўқотиш учун ёнилғи аралашмасини ҳар бир цилиндр олдида тайёрлаш керак бўлади.

Замонавий автомобил двигателларида ҳар бир цилиндрнинг киритиш клапанлари яқинида ёнилғи аралашмасини тайёрлайдиган электрон ёнилғи пуркаш тизими қўлланилади.

Электрон ёнилғи пуркаш тизими қўйидаги *афзалликларга* эга:

- тезкор, сабаби рақамли микропроцессор бошқаради;
- ёнилғи аралашмаси аниқ таркибга эга;
- ёнилғи аралашмасини таркибини узоқ муддат бир хил ушлаб туриш мумкин;

- юқори ёнилғи тежамкорлигини таъминлайди;
- чиқинди газларни заарли таъсирини камайтиради.

Замонавий автомобил двигателларининг таъминлаш тизимида K-Jetronic, KE-Jetronic, L-Jetronic ёнилғи пуркаш тизимлари қўлланилади.

*Вазифаси.* Ёнилғи аралашмасини керакли таркибда ҳар бир цилиндрларнинг киритиш клапанлари яқинида иш режимига мос равища тайёрлаб бериш.

Тузилиши. L-Jetronic тизими қуйидаги функционал блоклардан ташкил топган:

- Ишга тушириш тизими;
- Датчиклар;
- Башқариш блоки;
- Ёнилғи узатиш тизими.

Ишга тушириш тизими двигателга керакли мұқдорда ҳаво узатиб беради. Бу тизим ҳаво филкети, киритиш трубопроводлари, дроссел заслонкаси ва ҳар бир цилиндрға киритиш трубаларидан ташкил топган.


Датчиклар двигател режимининг муҳим күрсаткичларини аниклаб берадилар. Двигателнинг қуйидаги күрсаткичлари датчиклар ёрдамида аникланади:

- двигательга узатилаётган ҳаво мұқдори;
- дроссел заслонкасининг ҳолати;
- двигатель тирсакли валининг айланиш частотаси;
- двигатель ҳарорати;
- ҳаво ҳарорати.

Электрон башқариш блокида датчиклардан келаётган маълумотлар қайта ишланиб иш режимига мос равища пуркаш форсункаларига етказиб бериш ва ишлаш учун зарур бўлган босимни ҳосил қилиш ва ушлаб туриш учун хизмат қиласи.

Ёнилғи узатиш тизими. Ёнилгини бақдан пуркаш форсункаларига етказиб бериш ва ишлаш учун зарур бўлган босимни ҳосил қилиш ва ушлаб туриш учун хизмат қиласи.

Ёнилғи узатиш тизими ёнилғи насоси, ёнилғи филкети, ёнилғи тақсимлаш тубаси, босим ростлагич, совук ҳолда ишлайдиган ва пуркаш форсункаларидан ташкил топган.



**Ушбу схемада қандай тизим акс эттирилган?**

**Тизим элементларини вазифаси ва ишини тушунтириб беринг.**

## **2-төпширик.**

**Шассини электрон бошқариш тизимлари турларини ва улар қандай вазиятларда қўлланилишини айтиб беринг.**

Энг машхур ва кенг фойдаланиладиган актив хавфсизлик тизимларига куйидагилар киради:

- блокировкага қарши тормоз тизими;
- шатаксирашга қарши тизим;
- йўналиш турғунлигини таъминлаш тизими;
- тормоз кучларини тақсимлаш тизими;
- фавқулатда тормозланиш тизими;
- пиёданি аниқлаш тизими;
- дифференциални электрон блокировка қилиш тизими.

Автомобилнинг пассив хавфсизлик тизимини энг муҳим компонентлари куйидагилар:

- хавфсизлик камарлари;
- хавфсизлик камарларини таранглатгичлар;
- актив бош тагилар;
- ҳаво ёстиқчалари;
- кузовнинг ҳавфсиз конструкцияси;
- аккумулятор батареялари занжирини фавқулотда узгичи;
- бошқа қурилмалар (кабриолетта ағдарилишга қарши ҳимоя тизими; бола хавфсизлиги тизимлари - қаттимлаш, ўриндиқлар, хавфсизлик камарлари).

### **Блокировкага қарши тормоз тизимлари (АБС)**

1991 йилнинг 1 октябридан Европа Иттилоқига аъзо давлатлар худудида ҳукуқий қоидаларга асосан тиркамалар билан ташишга мўлжалланган юқ автомобиллари, тўлиқ массаси 16 тонна бўлган мингашма автопоездларда, 10 тоннадан ортиқ бўлган тиркамаларда ва 12 тоннадан ортиқ бўлган автобусларда АБС ўрнатилиши зарур деб белгиланган. Ушбу нормаларни анча энгил бўлган транспорт воситалари (тўлиқ массаси 3,5 т дан ортиқ бўлган) учун ҳам кенгайтириш мўлжалланмоқда. Конунда тормозланиш жараёнида автомобил ва ғилдиракларнинг ҳолати ва секинлашишига оид спецификацияга боғлиқ равишда бтр-биридан фарқ қиласидиган АБС тизимларининг уч категорияси кшрасатилиб ўтилади.

Европа автомобил ишлаб чиқарувчиларининг аксарияти 1 категория АБС тизимларини ўрнатади (бу тизимлар ЕЭС71/320 кўрсатмасининг барча талабларига жавоб беради). Барча АБС тизимлари, ўт олдириш тизими ишга тушиши билан ёқиладиган ва 2 сониядан кейин ўчадиган ҳайдовчини учун огоҳлантириш лампалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Агар лампалар автомобилни бошқариш вақтида ёнса, у носозликлар аниқланганлигини кўрсатади. Бу АБС тизимини тўлиқ ўчирилганини билдириши мумкин.

Турли ишлаб чиқарувчиларнинг АБСли тягач ва тиркамалари биргаликда ишлатилиши мумкин, агар уларнинг уланадиган электр разъёмлари ДИН 7638 мувофиқ бажарилган бўлса. АБС тизимининг қисман ишлатилиши

ҳам (ёки тягачда ёки тиркамада) тормозланиш жараёнини АБС умуман йўқ бўлгани билан солишириганда анчагина яхшиланади.

Тормозланишда ғилдиракларнинг блокировка бўлиб қолиши ("Сирпаниб" ҳаракати) қуйидаги сабабларга кўра мақсадга мувофиқ эмас: тормозланишда автомобил ёки автопоезднинг турғунлиги йўқолади, ғилдиракларни тез-тез блокировка бўлиши ва ундан келиб чиқиб "сирпаниб" ҳаракатланиши шиналарнинг тез ёёлиши ва хизмат муддатини қисқаришига олиб келади, тормозланиш самарадорлиги камаяди. Автомобилларнинг тормоз хусусиятларини яхшилаш учун блокировкага қарши тормоз тизимлари (АБС) ишлатилади. АБС вазифаси – тормозланишда автомобил ғилдиракларини блокировка бўлишини бартараф этиш, жуда бўлмаса узоқ блокировка бўлишидан (минимал вазифа) ва тормозланишнинг ўзгариб турган ҳолатида илашиш коэффициентини оптималь бўлган (максималга яқин) тормозланиш режимини автоматик аниқлаш ва ушлаб туриш.

Маълумотларни тақдим этиш ва қайта ишлаш шаклига қараб АБСлар аналогли, рақамли ва комбинациялашганга бўлинади. Рақамли АБСлар қатор афзалликларга эга бўлса-да, аналогли ва комбинациялашган АБСлар соддалиги ва созлаш параметрларини тўғрилашни кенг ва оператив имкониятлари бўйича анча қулай ҳисобланади. Кириш сигналлари сонига кўра АБСлар бир ва кўп сигналли бўлади. Кириш сигналлари - автомобил тезлиги (ёки уларнинг ҳосиллари),  $\omega_k$  - ғилдирак бурчак тезлиги ҳисобланади. АБС релели ростланадиган ёпиқ автоматик ростлаш тизими бўлиб, унинг функционал схемаси қуйидаги кўринишда бўлади



### Ушбу схемада акс эттирилган тизимнинг вазифаси ва ишлашини тушунтириб беринг.

Электрон двигателни бошқариш блоки - бу компонентсиз замонавий автомобилни тасаввур қилиш қийин эмас. Энергия блокининг бутун назорат тизимида ЭБУ асосий элемент ҳисобланади.

Электрон назорат мувофиқлигининг мазмуни. Унинг мақсади турли сенсорлардан юборилган маълумотни олишдир. Ушбу маълумотлар маҳсус алгоритмга мувофиқ қайта ишланади, ундан кейин жамоалар ижро этувчи компонентлар учун яратилади. Дизайндаги электрон бошқарув блокининг

мавжудлиги энергия блокининг асосий кўрсаткичларини оптималлаштириш имконини беради:


- буриш вақти;
- куч;
- чиқинди газлар таркиби;
- истеъмол ва бошқалар.

Ва барча компьютер тизимлари диагностикасини амалга оширадиган электроника. Ажойиб тарих Электрон восита бошқарув блокининг ташки кўриниши восита цилиндрларига ёнилгини тўғри микдорда ва керакли мустаҳкамлик билан таъминлаш зарурати билан боғлиқ. электрон бирлиги яратиш олдин, бу вазифалар дизайннерлар юборилган асосий кучини ошириш учун, карбуратор амалга. Бироқ, арzon ва арzon микроçиплер Карбюратор даврнинг чиқиши 70с содир пасайишига белгиланган. Аммо биринчи электрон двигателларни бошқариш тизимлари 50-йилларнинг ўрталарида содир бўлган 6C2500 модели учун Алфа Ромео компаниясидан италияликлар томонидан яратилган. Ушбу блок Сапрони-Фуссалдо деб аталди. Битта назорат тизими - бошқа автомобил тизимлари билан маълумотлар алмашиш Аста-секин яхшиланди ЭБУ, Замонавий электрон Двигател назорат бирлиги назорат олган тармоғи яратишга қодир бўлган бошқалар совутиш тизими ва янада самарали бўлиб олдириш, датчиклар ортиб, бир кўрсаткичларини ўз ичига назорат "ўргандим".

Электрон назорат унит моторининг компонентлари. Текшириш бирлигининг барча компонентларини иккита катта блокга бўлиш мумкин: 1. дастурий таъминот; 2. Ускуна.



**Ушбу расмда қандай қурилма акс эттирилган?**



**Ушбу расмда акс эттирилган тизим элементларининг вазифаларини тушунириб беринг.**

### **З-амалий машғулот**

## **Электр жиҳозлари ва электрон бошқаришнинг ривожланиш истиқболлари**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда электр жиҳозлари ва электрон бошқаришнинг ривожланиш истиқболлари бўйича яхлит тасаввур ҳосил қилиш, уларда ҳозирги кундаги долзарб бўлган ривожланиш йўналишлари бўйича электрон бошқарувнинг тизимларини амалда қўллаш бўйича амалий малака ва кўнижмаларни ривожлантириш.

### **1-топшириқ.**

**Автомобил ва тракторларда муқобил энергия манбаларининг, жумладан, электромобилларни қўлланиш шарт-шароитларини тушунтириб беринг.**

2014 йилгача батареяларни қайта зарядлаш учун инфратузилмани барпо этиш ва 7000 га яқин давлат заряд станциялари қуриш режалаштирилган. Германия ҳукумати 2020 йилга бориб мамлакатда 1 миллион электр транспорт воситасини, гибрид автомобилларни ва тўлиқ дурагайларни олиб келишини режалаштирган. Серияли ишлаб чиқариш 2011 йилда бошланган. 2012 йилда бу мақсадлар учун бюджет 500 млн. Евро ажратди. Франсия Франсия ҳукумати 2012 йилгача мамлакатда 100 мингдан ортиқ электр транспорт воситаларини олиб келишини режалаштирган. Ирландия Ирландия ҳукумати 2020 йилга қадар транспортнинг 10 фоизини электр энергиясига ўтказишни режалаштироқда. Осиё Япония 2006 йил август ойида Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири электр автомобилларни ишлаб чиқариш, гибрид автомобиллар ва улар учун батареяларни ишлаб чиқиши режасини тасдиқлади. Ушбу режага кўра, 2010 йилга қадар Японияда битта зарядга 80 километрик икки ўринли электр транспорт воситаларини оммавий ишлаб чиқариш бошланади, шунингдек, гибрид автомобил ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Хитой Хитой ҳукумати 2012 йилда мамлакатнинг 11 та шаҳарларида 60 мингта автомобилни, шу жумладан электромобиллар, гибрид ва водород ёнилғи камераларидаги автомобилларни синовдан ўтказишни режалаштироқда. Хитойнинг Фан ва технологиялар вазирлиги 2012-2016 йилларга мўлжалланган электр транспорт воситалари учун 12 йиллик беш йиллик режани ишлаб чиқди. Режа қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Батареяларнинг нархини 50% қисқартириш;
- 2015 йилга қадар мамлакат автотранспортларига 1 млн.
- 10 000 МВтгача батареяларни ишлаб чиқариш қувватини ошириш.

йилда;

- электр транспорт воситалари учун стандартларни ишлаб чиқиш; Ва шунга ўхшаш. Жанубий Корея Жанубий Корея ҳукумати 2011 йил иккинчи ярмига қадар автомобил компанияларини автомобил ишлаб чиқаришни бошлаш ва 2020 йилга келиб 1 миллионга яқин электр транспортини ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган.


Бунинг бир қанча сабаблари бор, ва автомобилчиларни иккита лагерга бўлиш мумкин. Биринчидан, асосий ва энг кенг тарқалган сабаб - ёқилғи нархидир. Биз Венесуела, Саудия Арабистони ёки Кувайтда яшаймиз, чунки бензин сувдан арzonроқ. Тўрт филдиракли "дўст" "мунтазам равишда озиқланади". Иккинчидан, табиий муҳитни ва унга боғлиқ барча нарсаларни ҳимоя қилиш ўта муҳимдир. Бундай воситаларни яратиш ғояси нима учун пайдо бўлди? Бензинда ишлайдиган машиналарнинг афзалликлари ва камчиликлари ва электр транспорт воситаларининг ишлаш тамойилини кўриб чиқинг. Ички ёниш двигателлари кучлироқ, лекин айни пайтда, ишлаб чиқувчилар атроф-муҳитга карбонат ангидрид чиқиндиларини бутунлай йўқ қила олмайди. Бу омил, жаҳон нефт заҳираларининг қисқариши ва бунинг натижасида бундай энергия манбаи нархининг мунтазам ва тизимли ўсиши. Электр энергияси ўзининг энг катта афзалликларига эга, авваламбор, бу Экологик жиҳатдан қулай ва арzon. Бироқ айни пайтда электромобиллар ҳозирги кунда жуда кўп машҳурликларга эга эмас, чунки мўътадил равишда "инфраструктура": автотранспорт станцияларини, ушбу турдаги двигателларни таъмиrlаш ва техник хизмат кўrsatiшга мўлжалланган маҳсус сервис станциялари керак бўлади

1987 йилдан 1995 йилгача Кўшма Штатларда "Прометей" номли лойиха амалга оширилди. Унинг мақсади роботли транспорт воситаларини ишлаб чиқиши ва такомиллаштириши эди. лойиха "Прометхеус" энг қиммат технопрограмм 1980 бири қилиб, тахминан \$ 1 миллиард инвеститсия қилинган. саккиз йил давомида, лойиха ўз-ўзини бошқарувчи автомобил бир неча прототиплеримизи яратган, лекин энг муваффақиятли ва истиқболли Мерседес-Бенз автомобил асосланган «вамп», бири робомобил бўлди. Америкаликлар немис олимлари томонидан яратилган технологияларни якунлашди. Тест синовида "ВАмп" ўша йиллар учун жуда ажойиб натижаларга еришди. 40 км / соат тезлик билан Париж кўчалари бўйлаб ҳаракат ёрдамисиз автомобил учувчи. Вампа ўзбошимчалик билан ўзгарди ва ҳатто бир неча марта оқимдаги бошқа машинани эгаллади. хайдовчисиз транспорт воситалари иккинчи имконият олган, шунинг учун 21-асрнинг бошида, сунъий ақл ва асаб тармоқлари жадал ривожлантириш рўй берди. Замонавий "ақлли" авлодлар автомобили.



70-расм. Google компаниясининг ҳайдовчисисиз автомобили

Замонавий хайдовчисиз автомашинанинг биринчи прототипларидан бири - "Toyota" автомобили асосида ишлаб чыкарылган робот машинаси. Прототип 2010 йилда пайдо бўлган ва унинг фаолияти учун жуда кўп қизиқарли нарсалар мавжуд: Google Стреет Виев картография тизими, радар, лидар, камералар ва АИ ва нейрон тармоқлари асосида ишлайдиган бошқа тизимлар ва технологиялар. Шунга қарамасдан, Google ўзини ўзи бошқариш воситасини яратишда бир қатор муаммоларга дуч келди, шунинг учун у ҳозирги кунда оддий бизнес билан шуғулланади - йирик автоконсерларнинг манфаати учун автопилотни еслаб қолиши. Google роботларидан сўнг, уларнинг хайдовчисиз автомашиналари прототиплари Вольво, Toyota ва Волксваген томонидан намойиш етилди. 2013-йилда Ауди, Ниссан ва Хонда хайдовчисиз технологияни муваффақиятли синаб кўрди. Ҳар бир автомобил ишлаб чиқарувчиси аутопилот учун ўзига хос ноёб технологияларни яратишга ҳаракат қилмоқда, аммо кўп ҳолларда улар 20 йил олдин ривожланишга асосланган. Бугунги кунда хайдовчисиз автомобил дунёсининг энг йирик ўйинчилари - Даимлер, Генерал Моторс, Toyota, Тесла Моторс, Вольво ва BMW компаниялари. Натижалар ва истиқболлар Google уч гибрид Лексус RX450h, бир Ауди TT ва олти Toyota Приус қўшимча технологик асбоб-ускуналар, шу жумладан, ўн автомобиллар бир грух жиҳозланган қилди. Ишлаб чиқаришдаги автомобилларни ишлаб чиқариш моделлари тасодифий эмас эди. Дастрлаб электрон бошқарув тизимларининг интеграциялашганлиги юқори бўлган машиналар кўриб чиқилди. Ҳайдовчи ўриндиғида ўтирган тажрибали ҳайдовчига ва Google мухандисларига йўловчи ўриндиғида бир қатор тестлар ўтказилди.



*Ушбу тасвирда қандай манзара акс эттирилган?  
Сиз ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобилларнинг Республикаизда  
қўлланилишини қандай тасаввур қиласиз?*

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-Кейс:** МАГАТЭ, ОПЕК, БМТ саноат ривожланиши депортаменти маълумотлари ва Жаҳон Энергетика Агентлиги (ЖЭА) башорати бўйича 2030 йилда жаҳон энергия балансида нефтнинг улуши – 40% ни, газники – 27% ни, кўмирники – 24% ни, бошқаларники – 9% ни ташкил қиласди.

Ҳозирги пайтда дунёда бир йилда тахминан 5 миллиард тонна, Ўзбекистонда – 6 миллион тонна нефт қазиб олинмоқда. АҚШда бир йилда 2,9 миллион тонна нефтдан фойдаланилади ва Америка нефт институти маълумотлари бўйича 43% нефт маҳсулотларидан автомобиллар учун энгил ёнилғи сифатида, 11% дан дизел ёнилғиси сифатида фойдаланилади. Бу маълумотларга қўра ер юзида излаб топилган нефт заҳиралари яқин келажакда тугайди. Бу ҳолда ички ёнув двигателлари учун энергия манбай муаммоси қандай ҳал этилиши керак? Муаммо ечимини излаб топинг ва таклифлар киритинг.

### Кейсни амалга ошириш босқичлари

Босқичлар	Топшириқлар
1-босқич	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишинланганини аниқланг.
2-босқич	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни гурӯҳ билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3-босқич	Гурӯҳ билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4-босқич	Гурӯҳ билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараённида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг

**2-Кейс:** Ҳайдовчи автомобилнинг салонига кўп миқдорда газ хиди чиқаётганини сезди ва бу хид тез орада ташқарига ҳам чиқа бошлади ва автомобил двигателсида ёнғин чиқиши оқибатида кучли портлаш содир бўлди. Бу автомобил ҳайдовчининг соғлиғига зиён келтирди, шунингдек, атмосферанинг ифлосланишига олиб келди. Мутахассисларнинг жараённи текширишлари натижасида автомобилнинг газ аппаратурасининг резино-техник элементлари ишдан чиққанлиги аниқланди.

Мутахассислар томонидан берилган хulosа тўғрими? Автомобилнинг газ аппаратурасининг резино-техник элементлари ишдан чиқишига яна қандай факторлар сабаб бўлиши мумкин?

### Кейсни амалга ошириш босқичлари

Босқичлар	Топшириқлар
1-босқич	Кейс билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишлиланглигини аниқланг.
2-босқич	Суюқлаштирилган пропан-бутанли (нефтли) газ (СНГ) таркибига кирувчи пропилен ва бутилен олепинли гуруҳларнинг кимёвий фаоллигини аниқланг. Бундай кимёвий фаоллик двигателнинг таъминлаш тизимиға қандай таъсир кўрсатишини аниқланг.
3-босқич	Автомобилнинг газ аппаратурасининг резино-техник элементларининг бузилишига олиб келган сабабларни аниқланг. Улар бир нечта бўлиши мумкин. Юқоридаги ҳолат учун сабаб бўлган факторни аниқланг ва муаммо ечимини изланг. Топган ечимни асосланг ва айнан шу вазиятга сабаб бўлганлигини мисоллар ёрдамида изоҳланг.
4-босқич	Кейс ечими бўйича ўз фикр-мулоҳазангизни ёзма равиша ёритинг ва тақдим этинг.

### КЕЙСЛИ ВАЗИЯТЛАР

#### (Ўқув машғулотларида фойдаланиш учун тавсия этилади)

**1-Кейс:** Кейинги 20 йил ичида атроф-муҳит экологияси бузилиб, ер юзи ҳавосининг ҳарорати таҳминан 2 градусга кўтарилди. Бунинг натижасида музликлар эрий бошлаб океандаги сув сатҳи кўтарила бошлади, ер юзининг баъзи чўл зоналарида, айниқса Африкада, қурғоқчилик кучайди. Булар инсон хаёти, яшаш шароити ва фаолияти учун сезиларли таъсир ўтказмоқда.

**Сизнинг фикрингизча бу муаммони ҳал қилишнинг қандай йўли ёки йўллари мавжуд? Ўз фикрингизни билдиринг.**

**2-кейс:** Ички ёнув двигателлари учун қўлланила бошланган баъзи алтернатив ёнилғилар мотор ўт олиши ва аланганинг тарқалишига салбий таъсир қилмоқда ҳамда зарарл моддалар ва заррачалар чиқишини кўпайтироқда.

**Бу муаммоларнинг олдини олиш учун алтернатив ёнилғилар қандай талабларга мос келиши керак?**

**3 -Кейс:** Водород – юқори самарали ва экологик тоза ёнилғидир. Водород ёнганда факат сув ҳосил бўлади, унинг ёниш иссиқлиги эса 143 кДж/г, яъни

углеводородларга (29 кДж/г) нисбатан 5 марта юқори. Водород – борликда энг кенг тарқалган модда (мутахассисларнинг баҳосига қараганда у юлдузлар массасининг ярмини ва юлдузлараро газнинг катта ҳажмини ташкил қиласади), лекин ер юзида эркин кўринишда у деярли йўқ.

**Водороддан ёнилғи сифатида фойдаланишнинг имкони борми? Агар бор деб ҳисобласангиз, ўз мулоҳазаларингизни баён қилинг.**

**4-Кейс:** Метанол бошқа спиритлар орасида хом-ашё ресурслари позициясида ва бошқа техникавий-иктисодий омиллар бўйича бензин учун энг истиқболли компонент ҳисобланади. Лекин буғланишнинг юқори иссиқлиги двигател ўт олишини ёмонлаштиради ва метанолдан тоза кўринишда фойдаланишга қийинчиликлар туғдиради, бундан ташқари двигатель метанолда ишлаганда атмосферага формальдегид 3...5 марта кўпроқ чиқарилади, у эса коррозион актив модда ҳисобланади.

**Метанолдан бензинга самарали қўшимча сифатида фойдаланишнинг йўли, яъни юқорида баён қилинган муаммоларнинг ечими борми? Ўз фикрингизни изҳор қилинг.**

**5-Кейс:** Жаҳон ривожланишининг бошқа қатор муаммоларидан фарқли равишда, биомаҳсулотлар муаммоси “бозор суриб чиқариши” эмас балки кенг сиёсий қўллаб-қувватланишга эга. Биоёнилғиларнинг юритувчи кучлари ва муаммолари мамлакатга қараб ўзгаради.

**Ушбу масаланинг ечимини топинг.**

**6-Кейс:** Учқун билан ўт олдириладиган двигателда азот оксидланиши ва  $HO$  ҳосил бўлиши аланга фронти ортида ёниш маҳсулотлари зонасида содир бўлади, у ерда ҳарорат энг юқори бўлади. Газлар ҳарорати кўтарилиши ва кислород концентрацияси ортиши сабабли  $HO$  ҳосил бўлиши кескин ортади. Бу атроф-муҳитга кучли салбий таъсир қиласади.

**Бу муаммони ечиш йўллари бўйича ўз мулоҳазаларингизни баён қилинг.**

**7-Кейс:** Бугунги кунда водороднинг нархи жуда юқори, бундан ташқари, двигатель водород билан таъминлашга ўзказилганда максимал қувват камаяди, қайта алангаланишлар пайдо бўлади, металлар юза қатламларида водород билан тўйиниш натижасида “водород мўртлиги” ҳосил бўлади.

**Бу муаммоларнинг ечими борми? Агар ечими бор деб ҳисобласангиз ўз фикрингизни баён қилинг.**

## VI. ГЛОССАРИЙ

ТЕРМИН	ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ШАРҲИ	ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ШАРҲИ
<b>Engine</b>	Иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантириб берувчи машина.	A machine that converts heat energy into mechanical energy.
<b>Injector</b>	Ёнилғи коллектордаги ҳаво оқими ёки ёниш камерасига пуркаладиган учлик ёки трубка.	The tube or nozzle through which fuel is introduced into the intake airstream or the combustion chamber.
<b>Carburetion</b>	Карбюраторда содир бўладиган жараён бўлиб, суюқ ёнилғини буғлатиб ҳаво билан аралаштирган ҳолда ёнувчи аралашма ҳосил қилиш.	The actions that take place in the carburetor: converting liquid fuel to vapor and mixing it with air to form a combustible mixture.
<b>Adapter</b>	Шнур ёки блок икки турдаги уловчилар билан ишлаб чиқарилади бу эса хар хил курилмаларни улашга имкон яратади.	A cord or block style device with different ends that allows different devices to connect.
<b>AWG – American Wire Gauge</b>	Рангли металдан ишланган ўтказгичларни стандарт ўлчов бирлиги. Паст кўрсатгичлар катта ўлчамли ўтказгични англатади.	standard measuring gauge for non-ferrous conductors (i.e., non-iron and non-steal). Lower gauge numbers indicate larger conductor size. <a href="#">Further Reading</a>
<b>Cable</b>	Кабел деб бир қанча симларнинг қобик остига ўралган курилмага айтилади. Шнур эса эгилувчан ва кўпинча портатив асбоб ёки ёритгич учун штепселга эга.	A cable is a set of wires, usually encased in an outer protective jacket. A “cord” would be a cable by this definition so far, but a cable is part of a permanent installation; a cord is more flexible and often has a plug end for a portable appliance or lamp.
<b>Cable Harness</b>	Операцион оқимлар ёки сигналларни узатувчи кабеллар ёки симларнинг кетма кетлиги Кабеллар қисқичлар, кабел фурнитуралари, изолента, трубали ўтказгич ёки шу элементларни комбинацияси билан боғланган.	A string of cables and/or wires which transmit informational signals or operating currents (energy). The cables are bound together by clamps, cable ties, cable lacing, sleeves, electrical tape, conduit, a weave of extruded string, or a combination thereof.
<b>CE – Conformite Europeene</b>	Европа хафвсизлик стандарти. CE, тайёр махсулотларга қўйилган белги, хамма қўлланилган директивалар розилигини кўрсатади.	A European standard of safety. The CE marking on end products indicates compliance with all applicable directives. <a href="#">Further Reading</a> <a href="#">Sample CE Compliance Mark</a>

<b>Conductor</b>	Шнурдаги ўтказгич materials асосан мисдан тайёрганади. Ўтказиш хусусияти юқори бўлган кумуш қиммат бўлгани учун кам ишлатилади, олтин эса стратегик ахамиятга эга курилмаларда ишлатилади.	The internal material of a cord that conducts electricity. Copper is the most common material used for electrical wiring. Silver is the best conductor, but is expensive. Because it does not corrode, gold is used for high-quality surface-to-surface contacts.
<b>Hertz</b>	Токнинг частотаси, бир секунддаги тебраниш цикли, америкада 60 Гц, халқаро курилмаларда 50 Гц қабул қилинган.	Measurement of frequency, equaling one cycle per second, U.S. devices are typically 60 Hertz and international devices are typically 50 hertz.
<b>IEC – International Electrotechnical Commission</b>	Электр жиҳозлари учун меъёрларни ўрнатувчи халқаро ташкилот.	an international organization that sets standards for electrical products
<b>Insulation</b>	Ўтказгичларни қадоқловчи материал.	The material that encases a conductor preventing leakage of current from a conductor.
<b>Jacket</b>	Шнурнинг ташқи қатлами материали.	Outer material layer of a cord.
<b>NEMA National Electrical Manufacturers Association</b>	АҚШда электр жиҳозлари учун бирлик стандартларни ўрнатувчи ташкилот.	an organization based in the U.S. that sets many common standards used in electrical products.
<b>OD – Outer Diameter</b>	Шнурнинг ташқи диаметри.	the outer diameter of a cord.
<b>OEM</b>	Оригинал жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхона.	Original Equipment Manufacturer.

## **VII. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз

малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Махсус адабиётлар:**

1. Махмудов Г.Н. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. – Т.: Истиқлол, 2000. – 206 б.

2. Маҳмудов F.N. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. Дарслик. 2-чи нашр. – Т.: Ношир, 2011. – 304 б.

3. Ютт В.Э. "Электрооборудование автомобилей". Учебник для студентов высших учебных заведений, 4-е издание. – М.: Транспорт, 2006. – 440 с.
4. Tom Denton. Automobile Electrical and Electronic Systems. Fourth Edition. – New York: Routledge, 2012. 703 p.
5. Трантер А. Электрическое оборудование автомобилей. –СПб.: Алфамер Паблишинг, 2003. – 288 с.
6. Махмудов Г.Н. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. –Т.: Истиқлол, 2000. -206 б.
7. Соснин Д.А., Яковлев В.Ф. Новейшие автомобильные электронные системы. –М.: Солон-Пресс, 2005. -240 с.
8. Богатырев А.В., Лехтер В.Р. Тракторы и автомобили. Учебник. – М.: КолосС, 2007. – 400 с.
9. Вишневецкий Ю.Т. Электрооборудование автомобилей. Учебник. – М.: ИздТоргКорп, 2008. – 352 с.

### **Интернет ресурслари:**

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.infocom.uz>
4. <http://www.press-uz.info>
5. <http://www.fuelensomy.gov>